

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш Маркази
Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти (ЎзПТИ)
Андижон қишлоқ хўжалик институти
Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти
Андижон филиали

Фермер хўжаликлари раҳбарлари ва
мутахассисларига пахтадан юқори ва сифатли
хосил етиштириш бўйича

ТАВСИЯЛАР

Андижон – 2007 йил

633.51
Ф. 49

Ушбу тавсиянома Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш Марказий Пахтачилик бўлими бошлиғи, қишлоқ хўжалик фанлари доктори. Р.С.Назаров. Андижон қишлоқ хўжалик институти ректори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори О.Я.Якубжанов, доцентлар С.Баҳромов. З.Жумабоев, ЎзПITI Андижон филиали директори, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди. А.Хайдаровлар томонидан тузилган. Бу тавсиянома фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассислари. қишлоқ хўжалик институти талабалари ва қишлоқ хўжалик коллежлари ўқувчилари фойдаланиши учун мўлжалланган. Ушбу тавсиянома Андижон қишлоқ хўжалик институти ва ЎзПITI Андижон филиали кўшма Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва матбуотда чоп этишга тавсия этилган.

SamQXI Axborot
resurs markazi
Inv № <u>633.51.49</u>
2

1. КИРИШ

Ўзбекистон халқ хўжалигида пахтачиликнинг аҳамияти нихоятда катта. Зеро, пахта толаси мамлакатимизнинг асосий экспорт маҳсулоти ҳисобланиб, кишлоқ хўжалигидан олинаётган валюта тушумининг қарийб 60 фоизи айнан пахтачилик ҳиссасига тўғри келади. қолаверса, пахтачилик маҳсулотлари ишлатиладиган тармоқлар кўлами жуда кенг.

Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз пахтачиликни муттасил ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериб келмоқда.

Мухтарам Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек «Пахта Ўзбекистон учун республика мустақиллигини қафолатлайдиган сиёсий ва иқтисодий куч-қудрат манбаи»дир.

Истиқлолнинг илк йилларида қабул қилинган «Кооперация тўғрисида»ги, «Ер тўғрисида»ги, «Ижара тўғрисида»ги, «Дехқон хўжаликлари тўғрисида»ги ва бошқа бир қанча қонун ва қарорлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, ҳукумат қарорлари кишлоқда янги ҳуқуқий муносабатларни жорий этиш, иқтисодиётни шакллантириш ва шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантириш имкониятини берди.

Маълумки, сўнги йилларда Республикамизда кишлоқда хўжалик юритиш механизмнинг мутлақо янги асослари, кишлоқ хўжалигини молиявий таъминлаш ва сугурталаш, ишлаб чиқилган маҳсулот ва кишлоққа берилган кишлоқ хўжалик техникаси, ёкилғи, минерал ўғитлар учун ўзаро ҳисоб-китобларнинг янги тизими ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Кишлоқ хўжалик қорхоналарининг иқтисодий мустақиллиги кенгайди. Кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олишда шартномавий нарх тизими кенг қўлланила бошлади. Кишлоқ хўжалигидаги қорхоналарга агросервис хизмати кўрсатиш ва уларнинг моддий техник таъминотини таъминлаш тизими такомиллаштирилган.

Давлатимизнинг ҳозирги аграр сиёсатида фермерлик ҳаракатига жиддий эътибор билан қаралмоқда. Президентимиз «Фермерлик ҳаракатини синалган ва устувор йўналиш» деб ҳисоблайди. Сўнги йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш юзасидан қатор фармон ва қарорлар чиқарилди. 2003 йил 27 октябрдаги «Фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепцияси тўғрисида»ги ПФ-3342-сонли Фармон ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги, «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепциясини амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисида»ги 476-сонли ҳамда 2004 йил 24 декабрдаги «2005-2006 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги 607-сонли қарорларига мувофиқ паст рентабелли ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликларини ташкил этиш аниқ белгилаб берилган. Ана шу асосда ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда.

Ҳозирги мураккаб бозор муносабатлари шароитида амалда фермердан зарур кўникма ва билимга эга бўлишни талаб қилмайдиган соҳанинг ўзи топилмайди.

Шу кунлардаги долзарб вазифалардан бири фермер сифатида фаолият юритаётган турли соҳа вакилларининг дехқончилик, пахтачилик ва ўсимликшунослик бўйича билим даражасини ошириш, уларни ғўза навлари, уларга мос келадиган агротехнология, тупрокка ишлов бериш, минерал ва маҳаллий ўғитлар, ғўза касалликлари, хашоротлари ва уларга қарши курашиш, тупрок мелиорацияси ва тупрок унумдорлиги каби билимлар билан уларни яхшироқ таништириш ва воқиймизнинг кўп сонли фермерларига баҳоли қудрат дехқончилик фани асосларидан сабоқ бериш мақсадида фермер хўжаликлари учун ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш бўйича тавсиянома чоп этишни олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Ушбу китобча фермер хўжаликлари раҳбарлари ва шу соҳада меҳнат қилаётган кўпчилик дехқонларимиз, механизаторларимиз ва кўп сонли китобхонлар оммасига хизмат қилишга ишончимиз қомил.

2. Пахта толасига қўйиладиган асосий шартлар ва пахтадан юқори ҳосил етиштириш омиллари.

Уруғчилик пахтачиликнинг бош муаммоси.

Вилоятимизда 2007 йилда ғўзанинг асосий навлари: С-6524, Андижон-35, Андижон-36, Андижон-37, Бухоро-102 Ан-Боёвут истикболли ва янги ғўза навлари ҳам қисман майдонга экилади. Вилоятимизда экилаётган ушбу ғўза навлари жаҳон андозалари талабига тўлиқ жавоб беради.

Фермерлар билиб қўйиши керакки, элита уруғи нав тозалиги 100 фоиз, биринчи авлод 99 фоиз, иккинчи авлод 98 ва учинчи авлод 97 фоиз бўлиши талаб этилади. Биринчи класс уруғлар 95 фоиз, иккинчи класс уруғлар 90 фоиз ва учинчи класс уруғлар 85 фоиз унувчанликни таъминлаши керак. Вилоятимиз пахтакорлари сўнги йилларда биринчи классга мансуб уруғларни экиб, тўлиқ кўчат олишни таъминламоқдалар. (илова)

Яхши сараланган, унувчанлик даражаси энг юқори бўлган уруғлик чигитни экиш, биринчидан, тўлиқ кўчат олишни таъминласа, иккинчидан ўсимликлар бутун ўсув даврида яхши ривожланиб, юқори ва эртачи ҳосил тўплайди ҳамда ҳосилдорлиги ҳар гектарига 3-5 центнер юқори бўлади. Сара чигитдан ҳар хил, соғлом бақувват ўсимликлар униб чиқиб, касаллик ҳамда хашоратлар, ташқи мухитда содир бўладиган ноқулай шароитларга чидамли бўлади.

Демак, экиш учун факат аъло сифатли уруғ ишлатиш кўп жиҳатдан фойдали бўлади.

Чигитни экишга тайёрлаш ва сифатли экиш

Маълумки, чигит сифати уруғликнинг уч боскичдаги ҳолати билан белгиланади:

- ғўза тупининг ўзида етилиши;
- дастлабки қайта ишлаш;
- чигитни сақлашдаги ҳолат.

Тадқиқотлар натижасида абсолют ва солиштирма оғирлиги юқори бўлган чиги экиш учун энг сифатли эканлиги исботланди.

Пахтани дастлабки ишлаш боскичида, яъни чигитдан толани ажратиш ва линтерлаш, уларни калибрлаш, жараёнида ҳам чигит шикастланиши мумкин. Бундай чигитлар тупрокда жуда тез чиришга мойил бўлади. Натижада чигитлар ола униб чиқади.

Булар билан бир каторда чигитларни сақлаш вақтида ҳам керакли коидаларга риоя қилинмаса уларнинг сифати бўзилади. Уруғлик чигитлар унувчанлигига қараб 3 классга бўлинади. 1 класс – 95 %; 2 класс – 90 % ва 3 класс – 85 %.

Унувчанлиги 90-85 % дан кам бўлган чигитлар ҳам униши мумкин, лукин ғўза ниҳоллари нимжон, ноқулай шароитларга чидамсиз, касаллик ва хашоратлардан қўп зиён кўрадиган бўлади.

Уруғлик чигит маълум даражада нав жихатдан тоза бўлиши лозим. Элита чигитларининг нав тозаллиги – 100 %, биринчи репродукция чигитларники – 99 %, иккинчи репродукцияники – 98 % ва учинчи репродукцияники 96 % дан кам бўлмаслиги зарур.

Чигитларнинг механик шикастланиши қўлда терилган пахтада 5 % дан ва машинтада терилганда 7 % дан ортмаслиги керак.

Чигитлар туки тукли чигитларда 0,8 % ва табиий ялонғоч чигитларда 0,4 % дан ортмаслиги лозим. Аниқ миқдорда чигит ташлайдиган сеялқаларда экиш учун чигитлар туки 0,2 % дан ортиб кетмаслиги лозим.

Чигитлар намлиги 10 % дан ортиб кетмаслиги шарт.

Чигитни тупрокка кадаш олдидан ишлов беришнинг асосий вазифаси чигитни ернинг табиий намига ундириб, эртаги, тулик ва соғлом қўчат олиниши учун қулай шароит яратишдан иборат. Бунга энг аввало эрта баҳорги бороналашни ўз вақтида, қисқа муддатда (1-2 кун ичида) ва сифатли қилиб ўтказиш керак.

Уруғлик чигитларни экишда уларнинг сифатига, катта кичиклигига қараб, экиш меъёрини аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Юқори классдаги тукли чигитларни экиш нормаси тупроқ иқлим шароитига қараб, 55-60 кг дан ошмаслиги керак. Туксиз чигитлар эса гектарига 25-30 кг ни ташкил этиши лозим.

Бунинг учун туксиз ва кам тукли чигитлар тўғридан-тўғри экилса, тукли чигитлар намлатиб экилади. Бир тонна тукли чигитга 600 литр сув ишлатилади. Бу миқдордаги сувни 3 табакага бўлиб, 200 литрдан ёйилган (15-20 см) чигитлар 3 марта сувда яхшилаб қориштирилиб тўпланади ва 3-4

соат димланиб, бу тадбир яна қайтарилади ва нихоят учинчи марта яна 200 литр сув чегилиб қориштирилади.

Оқибатда 1 тонна тукли чигит 600 литр сувни ўзига шимиб олиб, чигитда ниш уриш жараёни бошланган ҳолга келади.

Чигитни димлаш муддати об-хаво шароитига қараб турлоича бўлади. Эрта муддатда экилаётган чигитларни димлаш муддати 12-14 соат, тупроқ ҳарорати 12-14⁰С ва ундан юқори бўлган вақтларда 18 соатгача димлаш тавсия этилади.

Чигит экиладиган тупроқда намлиқ макбул ва тупроқнинг 0-10 см қатламидаги ўртача суткалик ҳарорати 12-14⁰С бўлиши керак, плёнка остига чигит экишни тупроқнинг ҳарорати 9-10⁰С бўлганда ҳам амалга оширса бўлади.

Исрофгарчиликка йўл қўймаслик мақсадида ҳўжаликларда кундалик чигит экиш режаси тузилади ва кундалик экиш майдонига ҳамда об-хаво шароитига қараб керакли чигит намланади. Акс ҳолда намланган чигитлар ўз вақтида экилмай қолса сифати бузилади, экишга яроксиз бўлиб, исрофгарчиликка йўл қўйилади.

Чигит экишнинг энг макбул чуқурлиги – ўтлоқи – ботқоқ тупроқларда 3-4 см, бошқа турдаги тупроқларда 4-5 см ҳисобланади.

Чигит экиш микдори, уни тупроқда қўмиш чуқурлигини экишдан олдин шу йилнинг шароитини инобатга олиб, ҳар бир даланинг ўзида созилади.

Масалан, 90 см ли қатор оралиғида экиладиган майдонда қаторнинг ҳар бир погон метрида 8-10, 60 см ли кенгликда экиладиган майдонга эса 6-7 уя бир хил ораликда жойлашадиган қилиб тракторга осилган сеялкани қўтариб, ғилдиракларни ерга тегмай айланадиган ҳолатда созилади ва текшириб қўрилади.

Тукли чигит экиладиган бўлса, экишга тайёр намланган ҳолдаги чигитдан сеялка аппаратларига солиниб, бир икки маротаба унинг ғилдираклари айлантирилади. Кейин ҳар бир сошник тагига идиш қўйиб, ғилдирак чамбарагининг айланма узунлиги 2,2 метрга тенг. Шу масофага ҳар бир сошникдан тушган чигит белгиланган микдорда бўлса, сеялка тўғри созиладиган бўлади.

Чигит ўсиш жараёнини бошқарувчи ва уларни экологик ҳавфсиз кимёвий моддалар билан ҳимоялаш, ҳамда истиқболли усуллардан бири капсулалашдир. Пахта саноатининг чиқиндиларидан олинган биологик фаол полимерларни уруғ сиртига ғилофлаш бу услубнинг моҳиятини ташкил этади. (полимерлар кимёси ва физикаси институти)

Таклиф этилаётган технологиянинг самарадорлиги уруғларнинг муддатидан илгари экишда, ҳамда уруғларни дорилашда кимёвий моддаларни қамайтириш ёки умуман қўлланмаслик экологик кимёвий таъсирини қамайтиришга олиб келади.

Агарда азотли ўғитлар тупроқни экишга тайёрлаш пайтида берилмаган бўлса, чигит экишда бир йўла чигит қаторининг 7-8 см ёнидан, 12-15 см чуқурлигида фосфор ва азотли ўғитлар берилади. Уларнинг микдори ва

турини мутахассис мавжуд хўжалик агрокимё картограммасига асосан белгилайди.

Асосий мақсад ердан оқилонга фойдаланиб, мўл ва сифатли пахта ва галла маҳсулотларини етиштиришдан иборат.

Сўнгги йилларда Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан ҳар бир вилоятнинг тупроқ-иклим шароитига мос келадиган ғўза навларини танлаб, тўғри жойлаштириш ва уларга мос келадиган агротехнологияни қўллаш пахтачиликда шу қўннинг энг долзарб муаммосига айланиб турибди.

Ҳар бир тупроқ-иклим шароитига экиш учун танланган ғўза навлари қатор талабларга жавоб бериши лозим:

- янги нав серхосил, толаси сифатли ва харидоргир, хашорот ва касалликларга чидамли, иқлим, об-ҳаво ўзгаришларига чидамли, тола чикиши юқори ва ранги оқ бўлиши;

- толаси чигитдан осон ажраладиган, толанинг ифлосланиши паст, чигитнинг пўстлоғи толага ўтмаслиги;

- тола сифати халқаро андоза талабларига тўлиқ жавоб бериши, микронейр кўрсаткичлари 4,3-4,8 ўрта толали ва ингичка толали ғўза навлари толаси 3,5-4,4 бўлиши;

- чигитнинг мойдорлик даражаси ва сифати юқори бўлиши зарур бўлади.

Тола сифати юқоридаги талабларга тўлиқ жавоб берган янги навлар районлаштирилади ва ишлаб чиқариш шароитида узок йиллар давомида экилади. Ана шундай ғўза навларига Бухоро-6, наманган-77, С-6530, С-6524 ва ингичка толали ғўзанинг Термиз-31 навларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Шу билан бирга ҳар бир навнинг ирсий белгилари: тезпишарлиги, хосилдорлиги, тола сифати, тола чикиши, ғўзани парваришlash усуллари, об-ҳаво шароитлари, тупроқ унумдорлиги ва унинг мелиоратив ҳолатига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади:

- ҳаво ҳарорати, ёгингарчилик миқдори, шамол ва гармсел тезлиги, қуёш радиацияси кучи;

- тупроқ унумдорлиги ва унинг механик таркиби, ер ости сувларининг жойлашиш чуқурлиги ва шўрланиш даражаси;

- ҳар бир ғўза нави учун мос келадиган уруғ экиш муддатини тўғри белгилаш;

- ерни экишга тайёрлашдан бошлаб, ҳосил пишиб етилгунча ўтказиладиган парваришlash технологиясини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш ғўзадан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда энг муҳим омилларидан бўлиб ҳисобланади.

Юқори айтиб ўтилган ҳаётий омилларнинг биринчисидан ташқари барчасини у ёки бу томонга ўзгартириш дехқоннинг, мутахассис ва фермернинг қўлидаги омиллар бўлиб ҳисобланади.

Ана шу сабабли ҳарматли фермерлар суғориладиган ерлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш сизнинг тажрибангиз, билимингиз ва маҳоратингизга боғлиқ. Барча агротехник тадбирларни энг қулай

муддатларда ва сифатли бажариш таъминланса, ғўзанинг ўсиши ривожланиши, ҳосилнинг эртачи ва салмоғи юқори бўлиши кафолатланади.

3. Андижон вилоятининг тупроқ ва иқлим шароити

Андижон вилояти иқлими кескин континентал, ёзи узоқ, иссиқ, киши совуқ. Йиллик ўртача ҳарорат 12°C , январда энг паст ҳарорат -26°C гача боради. Июнда иссиқ 41°C гача кўтарилган вақтлар ҳам бўлган (1917, 1941 й.). Бир йилнинг 300-330 кунинда ҳавонинг ҳарорати 0°C дан юқори, 180-210 кунинда 10°C дан юқори бўлади. Иссиқ ва қуруқ ҳаво тупроқ намини тез қамайтиради. Андижон вилоятининг турли қисмларида ёғин миқдори ҳар хил. Андижонда ўртача йиллик ёғин 266 мм, ғарбда йилига 100-200 мм, марказий районларида 200-300 мм, шарқий районларида 300-400 мм, энг шарқий қисмида 400 мм дан ортиқ ёғади. Айни вегетация даврида (ёз ўртаси) сувга бўлган талаб кучаяди. Баҳор анча қисқа ва об-ҳаво тез ўзгарувчан бўлади. Ёш қисми ҳам айни шу вақтда, экинлар учун зарур бўлмаган даврда ёғиб, баъзан жалага айланади. Масалан, 1967 йил 28 апрелдаги сел андижон шаҳри ва унинг атрофидаги хўжаликларга анча зарар етказди.

Андижон вилояти Фарғона водийсининг шарқий қисмида жойлашган бўлиб, иқлими кескин континенталдир.

Андижон вилоятининг иқлим шароити куёшли кунларнинг анча узоқ давом этиши (йил давомида 3000 соатгача), ёзининг қуруқлиги ва иссиқлиги, кишининг эса совуқлиги, шунингдек гидротермик меъёрлари бир-биридан сезиларли фаркланиши билан тавсифланади.

Ўсимликларнинг амал даври – бир-биридан ажралиб турадиган иккита даврни билдиради: қисқа муддатли – баҳорги серёмғир, ҳамда узоқ давом этадиган – қуруқ, иссиқ ва кам булутли ёз ойлари.

Вилоят ўрамида ёғингарчилик умумий миқдорининг тақсимланиши нотекисдир. Ёғингарчиликнинг бундай нотекис бўлишига рельефининг, яъни ер усти тузилишининг, денгиз сатҳидан баландлиги, шамолнинг йўналиши каби омиллар кучли таъсир қилади.

Йилнинг ёз фаслида асосан ёғингарчилик кам бўлади, айрим йилларда мутлақо бўлмайди. Иқлимнинг иссиқлигидан тупроқ юзасидан сув кўп миқдорда бугланади, бу ўз навбатида деҳқончиликда асосан сунъий суғоришни қўллашга олиб келади.

Андижон вилоятида ёғингарчиликнинг миқдори ғарбдан шарққа қараб ортиб боради. Об-ҳавони кузатиш марказлари берган маълумотларга қараганда кейинги икки йил давомида Марҳаматда-136,3 мм, Андижонда – 147,3 мм, Савайда – 202,7 мм ёғин бўлганлиги кузатишган.

Вилоятнинг ғарбий қисмида асосан ҳаво қуруқ бўлади, барча ёғингарчиликнинг 70-75 фоизга яқини киши ва баҳор ойларида туғри келади. Аёзсиз (ўртача $+10$ дан юқори ҳароратли) кунлар 216-229 кунни ташкил қилади.

Вилоят иклимининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири ёзда гармсел эсишидир. Кишлоқ хўжалигига қурқ, иссиқ гармсел катта зарар етказиши. Кучли шамоллар тупрокнинг унумдор қатламини учуриб кетиб эрозияга учратади. Бундай шамол таъсирида хавонинг нисбий намлиги ва ҳарорати паст бўлади. Натижада зироатлар ҳосилига салбий таъсир кўрсатади.

Андижон вилояти Фарғона ва Олой тоғ тизмалари орасидаги чўкмада жойлашган. Фарғона водийсининг шарқий чеккасини эгаллаб туради. Водийнинг ҳимолӣй-шарқини эгаллаган бу тоғ тизмалари вилоятнинг иклимига, тупрокнинг ҳосил бўлишига ва сув билан таъминланишига кучли таъсир кўрсатади.

Вилоят майдонларининг асосий қисми Қора дарёнинг чап соҳилига жойлашган, ўнг соҳилида эса Пахтабод туманининг бир қисми ва Избоскан тумани ерлари жойлашган ҳолос.

Иқлим шароитининг таҳлилида таъкидлаганимиздек, Андижон вилояти қуруқ иқлимли кенгликда жойлашган бўлиб, унинг ўзига хос хусусияти континенталигидир.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, вилоят ўрами жуда ҳам турли тумандир ва у кўплаб омиллар билан белгиланади. Вилоят ерлари гидрогеологиясида одамларнинг кишлок хўжалик фаолиятига хусусан суғориш (ирригация) катта таъсир қилади.

Фарғона водийсининг бошка вилоятларига қараганда ер қобиғининг мураккаб геоморфологик тузилиши, иклимидаги фарқи, гидрогеологик шароитлари, кишлок хўжалигини юритишдаги деҳқончиликнинг таъсирида тупрок ҳосил бўлиш жараёни ва унинг оқибатлари Андижон вилоятида жуда мураккаб, ўзига хослигига эгадир. Бу эса вилоятда ҳосил бўлган тупроқларнинг қоплами турли-туман бўлишига олиб келган. Юқоридагиларга кўра вилоятда (Б.В.Горбунов 1957) 4 та тупрок географик туманларга ажратилган. Бу туманларда қуйидаги асосий тупрок типлари ажратилган.

1. Бўз тупроқлар.
2. Ўтлоқ-бўз тупроқлар.
3. Ботқоқ тупроқлар.
4. Шўрхоқлар.

Умумий майдонга нисбатан фоиш ҳисобида улар қуйидагича тақсимланган: суғориладиган типик ва оч тусли бўз тупроқлар – 25,5 фоиш атрофида, ўтлоқ бўз тупроқлар – 8,0 фоиш, ўтлоқ тупроқлар – 35 фоишдан кўпроқ, ўтлоқ – ботқоқ – 10 фоишга яқин ва шўрхоқ ҳамда уларнинг қурамалари 9,6 фоиш ва қолгани бошка тупроқлардир.

Суғориладиган типик бўз тупроқлар – улар проллювиал ва қадимий алювиал қумоқ ётқизилади, лёссимон қумоқ тупроқлар ҳосил бўлган бўлиб, турли чуқурликларда (аммо 4 метрдан чуқур эмас) шағаллар билан қопланган. Улар дарё ва сойларнинг адир орти юқори ёйилмалари юқори айвончаларига жойлашган (Қўрғонтепа, Хўжаобод ва қисман Марҳамат ҳамда Пахтабод туманларининг ерлари).

Бу ерларда заҳоб 5-10 метр ва ундан ҳам чуқурдадир, улар асосан пахтачиликда ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда фойдаланилади.

Суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар – улар кумоқ, баъзан скелетли ва шағалли-кумоқ бўлиб, она жинс сифатида проллювиал ва қадимий аллювиал ётқизиклар устида соғсимон (лесс). кумоқ тупроқ бўлиб хизмат қилади. Улар бир метрдан 4 метргача шағаллар устидадир. Бу тупроқлар қиялиги оз бўлган жойларда, сув айириғичларининг юқори қисмларига, адиқ олди-тоғ ости текисликларига ва Қорадаренинг юқори айвончаларига жойлашган (Асака, Жалақудук, Избоскан, Пахтаобод ва бир қисми Андижон туманларининг ерлари). Заҳоб чуқур, 5-10 метр чуқурликда жойлашган ва улардан пахтачиликда, боғдорчиликда фойдаланилади.

Суғориладиган ўтлоқ (оч-тусли)-тупроқлар кўпинча ўртача кумоқ, қисман енгил кумоқ ва кумлоқ бўлиб проллювиал ётқизикларда ривожланган. Бу тупроқлар асосан тоғ олди текисликларидаги сувайриғичларнинг ўрта қисмларга (яъни сой ва дарё ёйилмалари) жойлашган.

4. Ғўзани алмашлаб экиш

Ғўза-ғалла, ғўза-ғалла-беда ва ғўза-беда алмашлаб экишнинг келажакда фермер хўжаликларида тўлиқ жорий этилиши тупроқ унумдорлигини оширади, даладарни бегона ўтлардан тозалайди ва унинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилайдди, ғўза касалликлари ҳамда зараркунандаларини камайтириб, унинг ҳосилдорлигини оширади, қорва моллари учун озуқа базаси яратиб, уларнинг махсулдорлигини кўпайтиради.

Алмашлаб ёки навбатлаб экиш тупроқ структурасини яхшилаши, тупроқнинг табиий унумдорлигини тиклаш ва оширишда, ғўза ҳосилдорлиги ҳамда пахта толаси ва чигитининг сифатини яхшилаш, ҳосилини ошириши, ҳашорат ҳамда бегона ўтларни камайтиришдаги нодир хусусиятлари ҳисобга олинса, дехкончиликнинг энг муҳим асосларидан бири эканлигини унутмаслигимиз керак. Демак, бу алмашлаб экишни барча хўжаликларда тўлиқ амалга оширишни такозо этади.

Дехкончиликда тупроқ унумдорлигини оширувчи қудратли омил ҳисобланган алмашлаб экишда дуккакли экинларнинг ўзига хос ўрни бор. Айниқса беда ва соя бу жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга.

Яна ҳам аниқроқ таъриф берадиган бўлсак, тупроқ унумдорлигини ошириш борасида беда ўсимлигига тенг бўладиган экин деярли йўқ. Бу экин, аввало, тупроқ чириндисини кўпайтиради. Чунки уч йиллик бедадан сўнг гектар ҳисобига 200-250 центнер илдиз қолади. Шунингдек, бу экин ҳайдов қатламининг бир гектарида 450-650 килограммдан биологик азот тўплайди.

Беда экилган даланинг агрофизикавий хусусиятлари ижобий томонга ўзгаради, дондорлиги ортади, говаклашади.

Бедапоя ўрнига ғўза экилган дала тупроғининг сув эрозиясига чидамлилиги ортади. Бунга беданинг илди: бўғзида тўпланган дондорликни таъминловчи кальций моддаси сабабчи бўлади.

Далада 2-3 йил беда ўстирилганда даланинг нам сифими ортади. Кейинги экин, масалан, ғўзани суғориш микдори камайди ёки суғориш учун сарфланадиган сув микдори тежалди.

Транспирация коэффиценти нихоятда юкори бўлган бу экин сизот сувлар сатҳини пасайтириб тупрокнинг мелиоратив ҳолатини яхшилади, шўрланишини камайтиради.

Ўзанинг ашаддий кушандаси бўлган сўлиш (окпалак) ёки вилт касаллиги беда экилган майдонларда 40-50 фоизга камайди. Чунки беда илдизида вилт касаллигини кўзғатувчи замбуруғга салбий таъсир этувчи микрولитик бактериялар нихоятда кўп бўлади.

Кўп йиллар давомида ўтказган тажрибаларимиздан маълум бўлдики, бедадан кейин ғўза экилган далаларни якка зироат даласига нисбатан бегона ўт 2-3 марта кам босади. Айниқса, ҳозирги даврда кўпайиб бораётган кўйпечак 6-8 марта кам ўсиб чиқади. Чунки тез-тез ўрилиб турадиган пояси калин бўлган беда ўсимлиги ўстирилаётган далада кўйпечак яхши ривожлана олмайди, уруғлашга улгурмайди.

Яна бир йўналишдаги тажрибамизда пахта даласида сурункали қўлланган гербицидларнинг қолдиғи тупрокнинг хайдов қатламида сакланиб қолиши аниқланди. Айнан шу далада уч йил беда парваришлангандан сўнг гербицидларнинг мазкур қолдиқлари батамом парчаланиб кетди.

Демак, ғўзани беда билан алмашлаб, пахта экилган йиллари қўлланилган инсектицидлар, захарли моддалар қолдиғини йўқотиш мумкин экан.

Тупроғи шамол эрозиясига чалинадиган жойларда ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра беда ўсимлиги бу борада ҳам аҳамиятли эканлиги исботланган. Маълум бўлишича, бугдой билан қўшиб экилган беданинг ихота қаторлари шамол кучини 40 метрча пасайтириб, 30 метр энликдаги ғўза қаторлари майдонидаги тупрокни шамол эрозиясидан саклай олади.

Соя ҳам хайдов қатламида гектар ҳисобига 125-150 кг биологик азот тўплаб беради.

Хуллас, беда ҳам, соя ҳам тупрокдаги озик моддаларнинг «истеъмолчи»лари эмас, балки «бойитувчи»ларидир.

Аммо ҳозир кенг жорий этилаётган «бугдой-ғўза» навбатлаб экишда тупрок унумдорлигини мақбул ҳолатда саклаб бўлмайди. Зеро, бу иккала экин ҳам тупрокни «бойитувчи»лари эмас, аксинча «истеъмолчи»лари ҳисобланади.

Юқоридагиларга асосланиб, пахтачиликда таркибига беда ва соя қўшилган алмашлаб экишни жорий этиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун алмашлаб экишни 1:2:1:3:1:2 тартибини таклиф этамиз. Мазкур тартибда ғўзанинг салмоғи 50 фоиз, бугдой 30 фоиз, беда 20 фоиз бўлади. Соя эса тақрорий экин сифатида бугдойдан сўнг экилаверади.

Бу алмашлаб экишда экинлар куйидагича тартибда экилади:

- биринчи йили буғдой беда билан қўшиб кузда экилади;
- иккинчи йили буғдой дони йиғиштириб олингач, беда пичан учу парваришланаверилади;
- учинчи йили беда кузда хайдалиб, кузги буғдой экилади;
- тўртинчи йили буғдой йиғиштириб олингандан сўнг, такрорий соя экилади;
- бешинчи-олтинчи йилларда бу далада пахта етиштирилади;
- еттинчи йили кузида буғдой экилади;
- саккизинчи йили буғдой хосили йиғиштириб олингач, такрорий соя экилади;

- тўккизинчи-ўнинчи йилларда чигит экиб, пахта хосили олинади.

Бу тартибда алмашлаб экишда тупрок унумдорлиги ортиб боради, дала экологияси макбул тарзда сақлаб турилади.

Ушбу мақола нихоясида немис мутафаккири Гётенинг куйидаги иборасини келтириш жоиз деб биламиз. У «Табиат хазина кўтармайди, у хамиша одил, хамиша жиддий, хамиша каттиққўл, хамиша ҳақ, хато ва адашувчиликлар инсонлардан келиб чиқади» деган эди.

Биз ҳозирги авлод вакиллариининг, тупрок унумдорлиги борасида хато килишга ҳақкимиз йўқ.

5. Ерни кузда шудгорлаш

Зукко халкимизнинг «Ер хайдасанг кузда хайда, куз хайдамасанг юз хайда» деган хикматли мақоли дехкончиликда мозийдан амалий ва илмий жиҳатдан такрор ва такрор исбот этилган. Чунки кузда макбул муддат, намлик ҳамда чуқурликда, тупрок шароитини экинлар хусусиятларини ҳисобга олиб сифатли шудгор қилинган ер тин олади, ўз хусусиятларини келаси йил баҳоргача тиклайди. Ёгинлар таъсирида намликни тўйиб сингдиради, кишдаги совуқларда гоҳо музлаб, ҳароратли кунларда гоҳо эриб дондорлашади, увюклашади, майин ҳолатга келади.

Бинобарин, «Ер табиатдаги жамики тирик мавжудотларнинг ҳаёт манбаи бўлиб, инсонларнинг ҳаёти унинг унумдорлиги ва ҳолатига дахлдордир». Шу сабабдан халкимиз Ер сайёрасини «Она ер» деб эъзозлайди.

Дехкончиликни ҳозирги кунларида айни ерни эъзозлашнинг муҳим тадбири, келаси йил экинлари ҳосилдорлигига пухта замин бўлиб хизмат қилувчи кузги ҳайдов мавсуми бошланади.

Бу мавсумни макбул муддат ва сифатда ўтказиш барча кишлоқ хўжалик ходимларининг масъулиятли вазифаси ҳисобланади.

Кузги ҳайдов куйидаги ижобий хусусиятларга эга:

- ўтаётган хўжалик йилида амалга оширилган агротадбирлар туфайли зичлашган ҳайдов қатлами бениҳоя юмшайди;

- ҳайдов қатлам ўсимликлар илдизи яхши ривожланадиган, ҳаво алмашинуви, сув ўтказувчанлиги, озика мароми макбул бўлган 1,2-1,3 г/см³ ҳажмий вазн ҳолатига келади;

- донатор, увокланган, юмшоқ, ғовак тупрок катламининг исиклик сизими ортиб тупрок микроолами хаёти жўшқинлашади;

- ишловлар, юкори харорат, суғоришлар туфайли камбағаллашган, донаторлиги бузилган, кукунлашган тупрокнинг юза катлами пастга кўмилиб, юкорига серчиринди ва озикага бой пастки катлам юкорига чиқарилади;

- ўсимликларнинг илдиз ва анғиз колдиклари чукур кўмилиб чириндига айланиш имконияти яратилади, чириндини тупрок озикасига айланиши тезлашади;

- маданий экинлар учун ўта зарарли бўлган ўтларнинг уруғлари, илдиз поялари, поя колдиклари чукур кўмилади, кайта кўкариб чикиш имконияти кескин камаяди;

- экинларни касалликлар, хашоротлар ва бегона ўтлардан химоя килиш учун қўлланган кимёвий дорилар хайдов катламга аралашади, парчаланиши тезлашади;

- хашоротлар ва касаллик кўзғатувчи ғумбаклар, тухумлар, замбуруғлар, вируслар хайдов катлам остига туширилади, зарарли даражалари камаяди;

- хайдов олдидан қўлланган махаллий ва маъдан ўғитлар тупрокка аралаштирилади, ўсимлик ўзлаштира оладиган шаклга ўтади ёки тупрок озика моддасига айланади;

- хайдов катлам тупроғининг илашимлиги, техникага карши кучи камаяди, техникадан самарали фойдаланиш имконияти яратилади.

Дехкончилида кузги хайдовни юкорида кўрсатилган барча ижобий хусусиятлари рўёбга чикиши учун қуйидаги **илмий-амалий асосланган тавсиялар** асосида шудгорлаш ўтказилиши зарур.

Кузги хайдов ўтказиладиган дала тупроғининг 0-50 сантиметрли катламидаги намлик 40-60 фоииз бўлса шудгорлаш сифатли ўтади. Агар тупрок катлами ўта курук бўлса палахсалар кўпайиб хайдов сифатсиз бўлади, техника иши сусаяди, ёкилғи кўп сарфланади, ортикча сарф-харажат бўлади.

Аксинча, дала тупроғи сернам бўлса катлам эшилиб қолади, увокланмайди, хайдов бу холда ҳам сифатсиз бўлади.

Шу сабабли тупроғи ўта курук далаларда хайдов олдидан 15-20 кун олдин гектар хисобига 700-900 м³ сув сарфлаб суғориш ўтказилади. Тупроғи сернам далаларда эса бегона ўтларнинг илдизпояларини тирмалаш амалга оширилиб, махаллий ва маъдан ўғитлар секиб турилади. Ундан сўнг тупрок хайдов учун стилгач шудгорлаш ўтказилади.

Хайдаладиган майдон дастлаб хосили йиғиштириб олинган колдиклардан, бегона ўтлардан, плёнка колдикларидан ва ёт жисмлардан обдон тозаланади.

Шу ўринда плёнка колдиклари бўйича бир тажрибавий тахлилга бир оз тўхталамиз.

Тахлил плёнка қўл кучи билан хар йили тўла тозаланган деб баҳоланган далада ўтказилди. Аникланишича, муттасил 3 йил плёнка

қўлланган даланинг 1 м² да 0,3-0,4 грамм. 7 йил қўлланган далада 0,7-0,8 грамм, 10 йил плёнка ишлатилган майдонда эса 1,0-1,2 грамм ёки экиш билан сарфланган плёнка микдорининг йилларга мос равишда 7; 13 ва 20 фойда қолдиғи қолади. Бу қолдиқ кузги хайдов жараёнида қатлам тупроғига аралашиб кетади. Албатта, бу плёнка қолдиқларини тобора кўнайиб бориши тупроқ экологиясига салбий таъсир этади.

Шунинг учун кузги хайдов ўтказиладиган далани барча қолдиқлардан тозалашга эътибор бериш керак.

Кейинги йилларда тупроқ унумдорлиги, экинлар ҳосилдорлиги учун ниҳоятда зарарли бегона ўт - ажрик кўпайиб экин майдонларини босиб бормокда. Бундай илдизпояли, кўп йиллик бегона ўтларга қарши аввал дала 18-20 сантиметргача юмшатилади (чизелланади). Сўнг далани кўндалангига ва узунасига осма шихмола билан тирмалаш, уларни дала четларига тўплаш ҳамда майдондан олиб чикиб кетиш ишлари амалга оширилади.

Таъкидлаб ўтишимиз лозимки бу илдизпояли бегона ўтлар жуда ҳаётчан. Хусусан ажрик илдизпоялари тупроқнинг юза 0-20 сантиметрида жойлашади ва шу чуқурликдан бемалол ўсиб чиқа олади.

Сифатли тирмалаш ўтказилган майдондаги қолган илдизпоялар ишчи кучи ёрдамида териб олинади. Шундан сўнггина бегона ўтларнинг илдизпояларидан тозаланган дала қўш қаватли, чимқирқарли омовлар билан ҳайдалади. Ер бу усулда ҳайдалганда далада қолиб кетган илдизпоялар 20-40 сантиметрли пастки қатламга кўмилиб кетади. Бу чуқурликдан илдизпоялар деярли кўкариб чиқаолмайди.

Кузги хайдов ўтказишнинг навбатдаги тадбири шудгорлаш олдиан тупроқни озиклантиришдир. Бунда гектар ҳисобига 15-20 тонна чириган гўнг, 10-15 тонна парранда гўнги, турли компостлар қўллаш мумкин. Шунингдек шудгорлаш олдиан фосфорли ўғит йиллик микдорини 60 фойзи, калийнинг 50 фойзи тупроқ юзасига сепилади.

Шундан сўнг ўқариклар текисланади ва ҳайдаш учун тахта (загон)лар белгиланади.

Тажрибаларда аниқланишича кузги хайдовни ўз мудатида сифатли ўтказиш киша ёки баҳорда ўтказилгандан гектар ҳисобига 2,4-4,0 центнердан кўшимча пахта ҳосили олишни таъминлайди.

Қишда, лойгарчиликда, қор босган, ер музлаган тупроқ шаронтида ўтказилган хайдов тупроқ донадорлигига салбий таъсир этади, палахсалар кўпаяди, хайдов ниҳоятда сифатсиз бўлади. Хайдов қатлам остига тушиб қолган қор, музлаган тупроқ секин эрийди, узок вақт тупроқ ҳароратини пасайтиради, лой ҳайдалган ер эса палахсалар ҳосил қилиб қилиб, қаттиқ кесакка айланади.

Шунинг учун амалда ҳам, илмий ишларда ҳам кузги хайдов ўтказиш муддатига алоҳида эътибор берилади.

Кузги хайдов муддатини белгилашда энг аввало далани тупроқ шаронти, экиладиган экин тури, минтақа иклими ҳисобга олинади.

Бизнинг мамлакатимизда, хусусан Андижон вилоятида кузги хайдов ўтказишнинг энг мақбул муддати ноябр ойидир.

Шудгорлаш дастлаб бедапояларни, тақрорий экиндан бўшаган ерларни хайдашдан бошланади. Кейин ғўзапоядан бўшаган, илдизпоялар тирмаланган, тупрок ўғитланган далаларни хайдашга ўтилади.

Кўп йиллик илмий тажрибаларда исботланишича кузги хайдов албатта қўш қавадли омовча ўтказилиши, бунда албатта чимқиркарлар ўрнатилган бўлиши зарур.

Кузги хайдовни бу усули айниқса бедапоялар, кўп йиллик бегона ўт босган далаларни хайдашда юқори самара беради.

Вилоятимиз шароитида хайдов чуқурлигини тўғри белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки барча фермер ва ширкат хўжаликларининг тупрок шароити бир хил эмас.

Хайдов чуқурлиги минтақанинг тупрок шароитига, экилган ва экиладиган экинлар турига мос равишда белгиланади.

Тупрок унумдорлиги ўртача, эскитдан хайдаб дехқончилик қилинадиган ерларда, унумдор тупроқларда ер 35-40 сантиметр чуқурликда хайдалади. Баъзи гипсли, механик таркиби оғир тупроқларни аввал 45-50 сантиметрғача юмшатиб, сўнг 35-40 сантиметр чуқурликда хайдаш керак бўлади.

Тупроқнинг хайдов қатлами остида қумли, шағалли қатлам жойлашган бўлса хайдов чуқурлиги шу қатламларни юқори чегарасигача ўтказилади.

Бедапояларни кузда хайдаш ўзига хос хусусиятларга эга. Бузиладиган бедапояни дастлаб 10-12 сантиметрға барқаш (дисклаш) мола солиб беда илдизлари қирқиб ташланади. Сўнгра тупрок шароитига монанд чуқурликда шудгор қилинади. Шундагина беданинг қайта ўсиб чиқишини олди олинади. Чунки чимқиркарли, қўшқавадли омовларда хайдалган тупроқни илдизли қатлами пастки 20-40 сантиметрға туширилади.

Кузги хайдов қилишда омовлар тўғри созланган, чимқиркарлар албатта ўрнатилган бўлиши зарур.

Хайдов сифатли бўлиши учун дала юзасида ариқчалар пайдо бўлмаслиги, ер теп-текис бўлиб хайдалиши керак. Хайдалган тупрок қатлами тўла ағдарилиши, қўмилмаган ўсимлик қолдиқлари 10 фоиздан, кесаклар диаметри 5 сантиметрдан юқори бўлмаслиги, 1 м² даги кесаклар сони 5 донадан ортмаслиги лозим.

Хайдалаётган далани уватлари, четлари, бурчаклари ҳам тўла шудгорланиши керак.

Кузги хайдовни мақбул муддат, усул ва сифатда ўтказиш нихоятда муҳим аҳамиятга эга. Чунки ер хайдалгандан сўнг дарҳол жорий текислаш ўтказилиб кузги пушталар олиб қўйиш жуда самарали агротадбирдир. Тайёрланган пушталар келаси йилда тупрок етилиши биланок чигит экишни бошлаш имкониятини беради.

Тажрибаларни гувоҳлик беришича пуштали майдонлар тупроғи текис майдонга нисбатан тез ва юқори ҳарорат олади. Экиш одатдагидан 5-7 кун барвақт бошланади, уруғлар тез ва соз униб чиқади, пахта ҳосилининг пишиб етилиши 10-12 кунга тезлашади.

Кузги пушталар олиб қўйилган майдонларда плёнка остига чигит экиш усулининг самарадорлиги кескин ортади.

Кузги хайдовни тупрок шароитини ҳисобга олиб мақбул муддатда, юқори сифатда ўтказиш, кузги пушталар олиб қўйиш вилоятимиз пахтакорларининг, фермер ва механизаторларнинг, мутахассисларнинг хўжалик раҳбарларининг масъулиятли вазифаларидан биридир.

Мазкур илмий-амалий тавсиялар асосида ўтказилган кузги хайдов келаси йилда экинлардан мўл, сифатли ва тезпишар ҳосил етиштириш учун пухта замин бўлиб хизмат қилади.

6. Кузги пушта тайёрлаш

Мамлакатимиз Президентининг «2007 йил ҳосили учун шудгорлаш ишларини ўтказишни ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида шудгорлашни сифатли ва мақбул муддатда ўтказиш барчамизни масъулиятли вазифамиз ҳисобланади. Чунки бу тадбирлар келаси йилги пахтадан юқори ҳосил олишни пухта замини бўлиб хизмат қилади. Зероки кекса дехконлар ибораси билан айтганда «мулло бўлсанг такрор қил, дехкон бўлсанг шудгор қил».

Пахтачиликда келгуси йил эртаки ҳосил етиштиришнинг яна бир омили, кузги шудгорни бевосита давоми бўлган кузги пушталар тайёрлаб қўйиш ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Дунё пахтачилик минтақасининг энг шимолий чеккасида жойлашган мамлакатимиз пахтачилиги ибтидосидан эртаки пахта ҳосили етиштириш муаммоси мавжуд.

Эрамиздан олдинги 720 йиллардан пахтачилик билан шуғулланиб келган бобокалонларимиз ҳам ғўза чигитини мумкин қадар эрта экиб пахта ҳосилини бир оз бўлсада эрта етиштириш, барвақтроқ етиштириб олишни орзу қилишган бўлса ажаб эмас.

Мозийдан бизга маълумки XIX аср пахтачилигидаги ғўза навларининг кўсаклари тўла етилиб очилмас, пахта ҳосилини анча қисми кўсакларни қўлда чувиш йўли билан йиғиштириб олинар эди. Ўтган XX асрнинг 60-70 йилларига қадар ҳам пахта ҳосилининг бир қисми қўлда кўсак чувиш, кўсак чувиш машиналаридан фойдаланиш ҳосилни йиғиштириб олишдаги аҳамиятли тадбир ҳисобланар эди. Албатта бунда пахта ҳосилининг сифати кузги ёғинлар, совуқлар таъсирида бузилар, нархи ҳам пастлар эди. Қолаверса, ўзбек пахтакорлари қиш-кировли кунларда, ҳатто қорда ҳам пахта теришга мажбур бўларди. Мактаб ўқувчилари ҳамда талабалар ҳам шундай ноқулай шароитда пахта теримига жалб қилинар эди.

Ўтган асрнинг 70-йилларидан пахтачилик фанининг тараққиёти, пахтачаликни ялпи механизациялаштирилиши туфайли юқоридаги машаққатли пахта терими ишлари анча енгиллашди.

Хусусан, ғўзанинг жадал, эртапишар навлари жорий этилди, унинг парвариш агротехникаси такомиллашди, ғўза парваришлашнинг жадал технологияси жорий этилди. Лекин шундай бўлсада пахта ҳосилини

Йиғиштириб олиш мавсуми сентябр ойдан ноябр ойи охиригача давом этарди.

Ўзбекистон мустақиллигига эришган 90-йиллардан бошлаб эртаки пахта ҳосили етиштириш, жами ҳосилни асосан сентябр ойида йиғиштириб олиш, сўнг ҳосилдан бўшаган майдонларга кузги буғдой экиш масаласи долзарб тус олди. Чунки, мамлакатимизда ғалла мустақиллигига эришиш вазифаси катъий қўйилган эди. Аҳолиси зич, экин майдони тигиз Фарғона водийси вилоятлари каби шаронгда кузги ғалла майдонларини бир қисмини ғўза майдонларига тўғри келиши ҳам пахта майдонларини октябр ойига қалар пахта ҳосилидан бўшагилишини тақозо этди.

Тарихий манбалардан бизга маълумки пахтакорлар муқаддам чигитни жўяк ва пушталарга экиш йўли билан бироз барвақт пишиб етиладиган пахта ҳосили етиштиришга эришганлар.

Чигит экишнинг бу усулларини илмий асослаш ўтган асрнинг 60-70 йилларидан бошланди. Мазкур тадқиқотларда пахтачилик соҳасидаги бобо-деҳқонларнинг амалий тажрибалари ҳақиқатдан ҳам мақбул эканлиги ўз илмий исботини топди.

Хусусан, кузги пушта олиб қўйилган майдонлар тупроқ қатлами ҳар доим текис даладагига нисбатан юмшоқ, яхши увокланган, ғовақлиги, намлиги, ҳарорати юқори бўлади. Чунки текис далада кузги-кишки-эрта баҳорги ёғинлар «қўлчак» ҳосил қилиб кўп қисмли қайта атмосферага буғланади, тупроқ қатламни захира намлиги камайди. Пуштали далаларда эса ёғинлар эгاتлар орқали пастки қатламга сингийди, атмосферага жуда кам буғланади. Демак, тупрокни ҳайдов қатламида табиий, захира намлик кўп тўпланади. Бизнинг қурғоқчил суғориладиган деҳқончилик минтақамизда эса бу низоҳатда аҳамиятли. Ёки ёғин мўл бўлган йиллари бу майдонларда чигитни табиий намликка ундириб олиш имконияти содир бўлади, гектар ҳисобига ғўза учун сарфланадиган мавсумий суғориш миқдори ҳам, суғориш учун сарф-харажат ҳам сезиларли даражада камайди.

Илмий маълумотларга кўра текис даладагига нисбатан кузги пушталари ҳайдов қатламидаги намлик миқдори қарийб 1 фойзга, ҳарорат сингдирувчи юзаси эса 25-30 фойзга юқори бўлади. Демак пуштали дала куёш ҳароратини кўпроқ олади, ёки тупрокни чигит экиш қатламидаги ҳарорат текис даладагидан 2-3 °C га юқори бўлади, бу чигитни униб чиқишига албатта ижобий таъсир кўрсатади. Оқибатда кузда чигит экишга тўла тайёрлаб қўйилган пуштали майдонларда экишга 3-4 кун барвақт киришиш имкони яратилади.

Тупроқ микроолами ҳаёти, турли биокимёвий жараёнлар учун низоҳатда зарур бўлган тупроқ ҳавоси миқдorigа ҳам кузги пушталар ижобий таъсир этади. Чунки ғовак ва юмшоқ, намлик туфайли «кўпчиб» дондорлашган тупроқ қатлами билан атмосфера ҳаво алмашинуви тезлашади.

Вилоятимизнинг ўрта ва оғир қумоқли механик таркибга эга бўлган майдонларида ғўза қаткалоқдан қучли зарарланади, чигитни униб чиқиши

resurs markazi

Inv № 10244. 17

сусаяди, илдиз чириш касаллиги кучаяди, ўсимлик нимжон бўлиб яхши ривожлана олмайди.

Бундай тупроклар шароитида кузги пушталар каткалок зарарини кескин камайтиради. Агар кузги пушта олинмаган майдонларда тупрок юзасининг ёгинлар таъсирида каткалок бўлиши кучайса, пуштали далалар тупроғи донатор, сернам, хаво мароми макбул бўлганлиги учун бу салбий ходисанинг пайдо бўлиши нихоятда камаюди, ёки умуман каткалок бўлмайди.

Худди шунингдек, тупрок заррачаларининг донаторлиги, катламни юмшоқ ва ғовак бўлиши тупрокни сув ўтказувчанлигини ҳам макбул ҳолатга келиши кузги пушталар хусусиятига мосдир.

Тажрибаларда тасдиқланишича пушта олиб қўйилган далалар тупроғи таркибида биологический жараёнлар ҳам микроолам ҳаёти ҳам эрта баҳорда «ердан тафт» келиши биланок жўшқин кеча бошлайди, ҳамда тупрок озикаси ўсимлик ўзлаштира оладиган шаклга ўтиб тупрокни озика мароми мўътадиллашади.

Кузги пушталарни далаларга ўсиб ривожланадиган ғўзага зарар келтирадиган бегона ўтларга ҳам салбий таъсири мавжуд. Хусусан чигит экиш олдида текис даладаги бегона ўтларнинг майсалар сонини 100 фоиз деб олсак пушталарда 160-170 фоиз майсалар пайдо бўлади ёки бегона ўт уруғлари кутқуланиб қўлаб майсалар пайдо бўлади. Бу майсалар чигит экиш жараёнида нобуд бўлади. Натижада тупрокни хайдов қатламидаги бегона ўт уруғлари захираси кескин камаюди.

Кузда пушталар олиб қўйишнинг ташкилий аҳамияти ҳам бор. Чунки бундай далаларда одатдаги баҳор юмушлари кузда бажариб қўйилади. Дала тупроғи чигит экиш учун етилиши биланок макбул муддатда чигит экиш имкониятига эга бўлинади.

Кузги пушталарнинг юкорида баён этилган барча ижобий хусусиятлари туфайли экиш муддати текис ердагидан 5-7 кун эрта бошланади, пахта ҳосили 10-12 кун эрта пишиб етилади. Гектар ҳисобидан ўртача 4-5 центнер қўшимча пахта ҳосили олиш мумкин бўлади.

Яна шунини алоҳида таъкидлашимиз лозимки кузда пушталар олиб қўйиш плёнка остига чигит экиш усулининг ажралмас энг зарур қисми ҳисобланади. Кузги пушталар ҳамда чигитни плёнка остига экиш бирга қўлланганда чигит экиш одатдагидан 10-12 кун эрта бошланади, пахта ҳосили 15-20 кун аввал ҳосил пишиб етилади. Гектар ҳисобидан олинмаган қўшимча ҳосил 8-10 центнерга етади. Шунинг учун келаси йили чигитни плёнка остига экиш режалаштирилган майдонларда шу йил кузда пушталар олиб қўйиш нихоятда зарур тадбир ҳисобланади.

Келаси йил ҳосили учун кузги пушталар тайёрлаб қўйиш учун қуйидагиларга амал қилиш зарур.

Пушта олинмаган дала энг аввало тирмалаш ўтказилиб бегона ўтларнинг илдизпояларидан, плёнка қолдиқларидан обдон тозаланади. Кейин гўнг, фосфорли ва калийли ўғит сепилиб чимқирқарли (қўш каватли) омонда 40 сантиметр чуқурликда сифатли қилиб шудгорланади. Сўнг мазкур

майдонда жорий текислаш амалга оширилади, бунда узун асосли (длиннобаз) ПА-3 русумли текислагичдан фойдаланилади. Ер текислашда шунинг эътиборга олиш лозимки келгуси йили ғўза пушталар орасидаги эгатлар орқали сугорилади. Шунинг учун бу тадбирни амалга оширишга нихоятда маъсулият билан қараш зарур бўлади.

Обдон текисланган майдонларда ГХ-4 русумли эгат олгичда пушталар олинади. Пушталарни баландлиги эгат остидан камида 28-30 сантиметр юқори бўлиши лозим. Пушта олишда эгатларни бир чуқурликда, нихоятда тўғри бўлишига эришилади.

Тўла пушта олиб қўйилган майдонларга йўлка солиш, хайвонлар киритиш, бошқа техникаларни киритилишига йўл қўйилмайди.

Кузги пушталар тайёрлаб қўйиш тадбири фермер хўжалиги раҳбар-мутахассисларидан юқори ташкилотчилик талаб этади. Чунки кузги хайдов ўтқазиш оғи бўлган ноябрда музлагунча пушталар олиб қўйилишига ҳам улгуриш керак. Ана ўшанда пушталар сифатли олинади, самараси юқори бўлади. Демак, кузги пушталар усулидан фойдаланадиган фермер ва мутахассислар куз оғи ноябрнинг ҳар бир кунидан тўла фойдаланишга бу борада техникадан тўла фойдаланишга эришиши зарур.

Ёрни сифатли шудгорлаб, кузги пушталар олиб қўйиш келгуси йилда пахтадан эртаки, сифатли ва юқори ҳосил етиштириш учун пухта замин бўлиб хизмат қилади.

7. Чигит экиш

Ќўза чигитини макбул муддатларда, муайян тупрок иқлим шароитларни ҳисобга олиб уста пахтакорлар, фан ютуқлари, илмий тавсиялар ҳамда илғорлар тажрибасига таяниб экиш пахта хом ашёсидан тезпишар, юқори сифатли ҳосил етиштиришда нихоятда аҳамиятли агротадбирдир.

Демак, чигит экиш мавсуми фермер, дехқонлар, мутахассислар, барча раҳбарлар учун ўта маъсулиятли, билимдонлик, омилкорлик ва чинакам фидокорлик талаб қиладиган мавсум ҳисобланади.

Аввал бошдан уруғлик чигит сифати ҳақида талабларни қисқача баён этамиз. Зероки, зукко дехқонлар «Сара уруғ мўл ҳосил гарови» деб бежиз айтмаганлар.

Ќўза чигитини экишга тайёрлаш жараёнида уруғлик сараланиши, касалликларга қарши дориланган бўлиши лозим. Улар нав тозаллиги бўйича қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт: элита – 100 фоиз, биринчи репродукция – 99 фоиз, иккинчи репродукция – 98 фоиз, учинчиси эса–96 фоиз. Бунинг шундай тушуномқ лозимки, биринчи репродукцияда бегона нав салмоғи 1 фоиз бўлиши керак.

Уруғлик чигитлар унувчанлиги бўйича уч синфга бўлинади. Биринчи синф уруғларининг унувчанлиги 95-100 фоиз (ёки 100 донга чигитдан камида 95 донаси соғлом униши керак), иккинчи синфники 90-95 фоиз, учинчисиники 85 фоиз.

Уруғларни унувчанлик хусусияти пахтани қайта ишлаш завоқлари лабораториясида тез ва осон аниқланиши мумкин. Пахтакор фермерлар юқоридаги талаблар асосида уруғлик чигит билан таъминланишига маъсулият билан ёндашишимиз лозим.

Вилоятимиз пахтакорлари мазкур йилнинг чигит экиш мавсумига тайёргарлик ишларини ўтган йилни куз ойидаёқ бошлаб юборган. Ишнинг қўзини биладиган миришкор фермерлар чигит қадаладиган майдонларда кузги пушталарни олиб қўйганлар. Хозирги кунда бу майдонлар тупроғи «майиздек» етилиб турибди. Мазкур майдонларда қулай фурсат, муддат келиши билан чигит экишга киришиш мумкин.

Баҳорги пушталар олинган далаларда эса уват ва майдон четларида кўп йиллик бегона ўт-ажрик пояларини териб олиб йўқотиб юбориш тадбири давом эттирилиш нихоятда зарур, чунки бу бегона ўт микдори йилдан-йилга тобора кўпайиб бормоқда.

Бу бегона ўтга қарши кураш борасида яна шуни таъкидлашимиз лозимки уни то пахта терими давригача йиғиштириб, териб олиш, ғўза қатор ораларини ишлаш жихозларига илашганларини ҳам тез-тез териб туриш ҳамда албатта дала четига чиқариб ёкиб юбориш керак. Мухтасар қилиб айтганда ажриққа қарши кураш бир кунлик, бир ойлик ёки бир мавсумлик юмуш эмас, балки чигит экишга тайёргарлик кўришдан то пахта йиғим – теримига қадар эринмай қилинадиган тадбирдир. Акс ҳолда бу бегона ўтнинг пахта майдонларидаги «хуружини» бартараф этиб бўлмайди.

Шунинг учун хозирги кунларда пушта олишдан олдин майдонларни ажриқ илдизпояларидан обдон тозалаб олиш нихоятда зарур вазифадир.

Илдизпоялар, плёнка қолдиклари, бошқа жисмлардан тозаланган далаларда узун асос (длина база) ли текислагичлар билан ер мақомига етказиб текисланади.

Бу жорий текислаш тадбирини нихоятда сифатли ўтказиш шунинг учун ҳам зарурки, бу тадбир энг аввало чигит экиш сифатини таъминлайди. Кейинги агротадбирлар зарур ҳолларда чигит суви бериш, қатор ораларини ишлаш озиклантириш ҳамда ғўзани амал даврида суғоришлар сифати, самарадорлиги, сувдан тежаб-тергаб фойдаланишга эришиш айнан даланининг нечоғлик яхши текисланганлиги билан бевосита боғлиқ.

Обдон текисланган майдонларда тупроқ шароитига, танланган ғўза навига мос келадиган қатор оралар билан пушталар олиш мумкин бўлади.

Зероки, сифатли уруғлик чигитнинг барча ижобий хусусиятлари нихоятда сифатли тайёрланган майдонлардагина рўёбга чиқади. Билъакс, сифатли уруғлик чигитни пала-партиш тайёрланган ерга, пушталарга шошма-шошарлик билан экиб қўйиш фермерга наф келтирмайди, балки зарар қилади.

Демак, чигит экишга тайёрланган дала тупроғи донадор, яхши уваланган экиш қатламидаги ҳарорат, ҳаво ва озуқа маромлари мўтадил бўлиши нихоятда аҳамиятли. Бинобарин, уруғлик чигит экилган кундан бошлаб тиним давридан амал даврига ўтади, уруғ муртақ ўса бошлайди.

Пахтакорлар табири билан айтганда «октомир» чиқиши билан намликка талаби ҳам кучайиб боради. Шунинг учун мазкур йил иклим шароитида, ёгин ниҳоятда кам бўлганлигини ҳисобга олиб тупрокда захира намлик миқдорини ошириш чорасини кўришимиз лозим.

Бунинг учун сизот сувлари ер юзасидан 2-5 м ва ундан ортиқ чуқурликда жойлашган майдонларда экиш олдида суғориш тадбирини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Бу тадбир тайёрлаб қўйилган пушта матларига сув очиб амалга оширилади. Аммо бу суғориш ниҳоятда юқори ташкилотчилик билан чигит экишдан 15-20 кун аввал, гектар ҳисобига 800-1000 м³ сув сарфлаб ўтказилиш лозим. Шунда тупрок етилиши биланок уруғлик чигитни сернам тупрокка қадаш имконияти вужудга келади. Сернам, етарли ҳароратга эга бундай тупроқларда чигитлар худди табиий намлик ҳисобига унуб чиққандай тез, дуркун, кийғос униб чиқади, шитоб ривожлана бошлайди.

Чигит экиш муддатини тупрок ва иклим шароитига қараб белгилаш кўп жихатдан пахта ҳосилини пишиб етилиш, сифати ва салмоғига дахлдордир. Буни асосан чигит экиш қатламидаги ҳарорат белгилайди.

Ўўза навларининг чигити 0-10 см ли қатлам тупроғининг ўртача ҳарорати 10 даражадан ортиганда уна бошлайди, 13-14 даражада кийғос униб чиқади.

Вилоятимиз тупроқларининг юқоридаги турғун даражага эга бўлиши асосан 1-15 апрел кунларига тўғри келади. Лекин иклим шароитга қараб бу муддат 4-5 кун эрта ёки кеч бўлиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан Андижон вилоятини 3 минг тақага бўлиш мумкин.

1. Ғарбий: Балиқчи, Ўўз, Улугнор туманлари.

2. Марказий: Олтинқўл, Андижон, Избоскан, Асака ва Шахрихон туманлари.

3. Шарқий: Пахтаобод, Қўрғонтепа, Жалақудук, Булоқбоши, Хўжаобод Марҳамат туманлари.

Бу йилги иклим шароитда баҳор олатдагидан 10-12 кун эрта келаётганлигига асосланиб вилоятимиз минтақаларида чигит экишни мақбул муддатлари қуйидагича бўлиши мумкин.

Ғарбий туманларда 25 март-10 апрел, марказий туманларда 1-15 апрел, шарқий, тоғ олди туманларида 5-20 апрел.

Чунки шарқий туманларда баҳор кечроқ келиб ёгин кўпроқ, марказий туманларда ёгин камроқ ҳаво ҳарорати мўтадил, ғарбий туманларда ёгин анча кам, ҳаво ҳарорати нисбатан юқорироқ бўлиши билан, тез тез эсиб турадиган шамол тупроқни тез етилтириш билан тавсифланади.

Чигит экиш мавсумида эътиборга олинадиган яна бир долзарб масала уруғ экиш чуқурлигидир. Уруғни экиш чуқурлиги ҳарорат ва тупроқнинг мақбул намлик қатлами чуқурлигига қараб белгиланади. Экишнинг дастлабки кунларида тупрок ҳарорати кун давомида турғун 13-14 даража бўлмаса 3-4 см чуқурликка чигит қадалади. Бунда тупрок механик таркибини оғир, ўрта, енгиллиги сизот сувларини жойлашиши чуқурлигига ҳам эътибор берилади. Тупрок қатлами етарли даражада кизиган ва юқори ҳарорат

таъсирида намлиги бир оз камайган тупроклар шароитида чигит экиш чуқурлиги 4-5 см қилиб белгиланади. Чигитни юқоридагидан чуқур экиб қўйиш уруғбарг ости поясининг йўғонлашувига униб чиқаётган ўсимлик поясининг чириб қолишига сабаб бўлади. Аксинча, чигитни саёз экиб қўйиш оқибатида унинг униб чиқиши учун намлик етарли бўлмайди, ёш ниҳол уруғ муртаги қуриydi. Бундан келиб чиқадики, чигит экиш техникаси тупрок шароитига мослаб уруғларни тавсия этилган чуқурликка қадайдиган қилиб обдон созланиши керак. Яна бир муҳим масала гектар хисобига сарфланадиган уруғлик чигит меъеридир. Чунки бу кўрсаткич ҳам агротехникавий (униб чиқиш қуввати), ҳам иқтисодий аҳамиятга эга.

Хозирда чигитлар 60 ва 90 сантиметрли қатор ораликларига экилмоқда. Сизот сувлари ер юзига яқин текис, кам нишобли ва нишоблиги ўртача майдонлар учун 90 см ли, ер ости сувлари чуқур жойлашган нишоблиги юқори майдонлар учун 60 см.лик қатор оралари қўл келмоқда. Мазкур қатор ораларда режалаштирилган ғўза қўчат қалинлиги олиш учун ҳар бир уяга 4-5 донадан туксизлантирилган чигит ташлаш қифоя. Бир уяга 6 донадан ортик чигит ташлаш мақсадга мувофиқ эмас. Гектар хисобига сарфланадиган уруғлик чигит меъери фермер танлаб олган экиш тартибига боғлиқ.

Масалан, 1000 дона туксизлантирилган чигитни нисбий вазни ўртача 100 грамм бўлса бир гектар ерган 60x15-1 экиш тартибида 45 кг уруғ сарфланади. Қатор ораси 90 см.ли 90x10-1 ли тартибда ҳам худди шунча уруғлик экилади. Хуллас, бу йил вилоятимизда қатта майдонларда асосан туксизлантирилган чигит экилишини хисобга олсак чигит экиш меъери гектар хисобига 40-50 кг дан ошмайди.

Пахтачиликда чигит экиш билан бирга бир йиллик бегона ўтларга қарши гербицидлар қўллаш амалга оширилади. Қаторан, стомп, гезагард гербицидлари асосан 20-25 см ли тасма усулида чигит экиш қизиги усти (каток ўрни) га пуркалади. Қаторан гербицидини бир гектарлик сарфи соф ҳолда 1 кг, стомп гербицидини эса экиш олдида ишлатилса гектарига соф ҳолда 2,0 кг, экиш бир вақтда 1,0 кг. Гезагард гербицидини сарфи ҳам 1 гектарга 1,0 кг ни ташкили қилади.

Илмий даргоҳлар чигит экиш билан бирга маъдан ўғитлар йиллик меъерининг бир қисмини қўллашни тавсия этганлар. Бунинг учун ҳар бир гектар майдон хисобига 50 кг дан азотли, 100 кг дан фосфорли ўғит солиш керак бўлади.

Хозирги замон экиш техникасида чигит экиш билан бир вақтда гербицид пуркаш, ўғит қўллаш имкониятига эгамиз. Макбул муддат ва меъёрда, зарур чуқурликка чигит экилаган даланинг уватлар, бешамақлари, ўқариқлари тўла экиб чиқилгандагина мазкур далада чигит экиш тугалланган хисобланади. Сўнг бу даладаги чигитларни униши, умумий ҳолати назорат қилиб турилади, чигитни тўла ундириб чиқариб олиш, тўла гектарлар ҳосил қилиш тадориғи қўрилади.

Бу ҳўжалик йилида ёгин кам бўлганлиги туфайли чигитларни тўла чиқариб олиш учун чигит суви бериш тадбири ҳам амалга оширилиши

мумкин. Бу тадбир асосан намлик етишмайдиган курук тупрокли майдонларда амалга оширилади.

Пахта майдонларига чигит суви бериш нихоятда маъсулият, эътибор билан ўтказиладиган агротадбирдир. Бунга тажрибали, мохир сувчилар жалб этилади. Тупрок намлиги чигитларни униб чиқиши учун етарли бўлмаган майдонларда эгатлар очиб қўйилгандан сўнг гектарига 700-800м³ хисобида чигит суви берилади. Бу суғориш одатда эгат оралатиб, ерни ўта захлатмасдан, намлик экиш чизиғи (каток ўрни) га етар-етмас, дехконлар таъбирига «қорақош» қилиб ўтказилади. Бу суғоришни назоратсиз қолдириш асло мумкин эмас.

Чигит суви берилган майдонларди тўла қўчатлар сониға эришиш учун намликни «қочирмай» хатосига экиш амалға оширилади, тупрок етилгач қатор орасига ишлов бериш керак бўлади.

Нихоллар тўлиқ ундирб олингач, навбатдаги вазифа яғанани сифатли ўтказишдир. Бу тадбир ғўзада ўртача 1,5 ёки 1-2 чинбарг пайдо бўлганда ўтказилади. Хар бир уяда экиш тартиби бўйича ўсимлик сони ёхуд режалаштирилган қўчат қалинлигини таъминлайдиган ўсимлик сони қолдирилади. Ортиқча ўсимликларни олиб ташлашда соғлом, дуркун ўсимликларни қолдиришға эътибор берилади. Ғўза навлари хусусиятларига мос қўчат қалинлиги асосан яғоналашни ўтказиш жараёнида амалға оширилади ва юлиб олинган қўчатларни этакка олиб картадан узокрокда қазилган хандакларға олтингугурт сепп қўмиб юборилади. Бу йил экилиши режалаштирилаётган Андижон-35 ғўза нави тупининг тузилишиға қўра тупрок шароитига қараб гектарига 90-100 минг туп атрофида, Андижон-36 ғўза нави учун эса нисбатан ихчам бўлганлиги учун гектар хисобига 90-120 минг тупгача қўчат қолдирилса мақсадға мувофиқ бўлади. АН-Боёвут-2 ғўза навининг тупи кенг, шохланиши 1,5-2 типға мансуб, барглари йирик бўлганлиги учун ўта қалин қўчат қолдириш мақсадға мувофиқ эмас.

С-6524 навининг тупи нисбатан ихчам бўлганлиги, 1,5 типда шохланиш, баргланиши ўртача даражада. Шунинг учун бу навда гектарига 100-140 минг туп қўчат қалинлигида юкори хосил етиштириш мумкин.

Ғўза навларининг хусусиятларига, тупрок унумдорлигига мос қўчат сони қолдирилган майдонларда ғўза амал даврида парваришлаш ишлари бошланади.

Бу йил вилоятимиз пахта майдонларининг 32 минг гектарида да ғўза чигити плёнка остига экилади. Мазкур усулнинг бир ёки қўш қаторли қилиб экиш фермер хўжалиги тупрок шароитига ҳамда экиладиган ғўза навига боғлиқ.

Плёнка остига чигит экиш усулида мақбул экиш муддати бу йил 15-25 март кунлари хисобланади, кузги пушталав тайёрлаб қўйилган майдонларда плёнка остига чигит экиш усулининг самарадорлиги юкори бўлади.

Плёнка остига экиладиган туксизлантирилган чигит 3-4 см чуқурлика худди юкоридагидек меъёрда ўғит ва гербицид қўллаб экилади. Чигитлар кийғос униб чиқиб ғўзада ўртача 1,5 донадан чинбарг хосил бўлганда

яганалаш ўтказиш билан бирга плёнканинг барча уя тешикчалари туп билан тўла беркитилади.

Чигитни плёнка остига экиш усулида плёнка сарфи гектар хисобига 60 кг, чигит сарфи бир қаторлида 40 кг ва қўш қаторлида 60 кг ни ташқилади. Плёнка остига экилаган чигит тупрокдаги захира намлик хисоби тўла униб чиқади. Айрим ҳолларда баҳор нихоятда кам ёгин бўлсагина чигсуви берилади. Май ойининг охири, июн ойининг биринчи ўн кунлиги (ғўгуллай бошлаган) да плёнка йиғиштириб олинади. Плёнка остига чигит эки усулини кўп йиллик бегона ўтлар кенг тарқалган, тошлок, ботқок ерлар кўллаш тавсия этилмайди.

Юқоридаги тавсиялар ва чигит экиш бўйича талаблар фермердан тутахассис раҳбарларгача экиш мавсумини ўта маъсулият билан ўтказиш такозо этади. Токи бу мавсум қиска муддатда яқунлансин. Ёзанинг тўл гектарлари ҳосил бўлсин ва дастлабки парваришlash агротехникаси бошлаб юборилсин, вилоятимиз пахтакорлари бу йилга пахта хом-ашёси тайёрлаш режасини тўла-тўқис адо этсинлар.

8. Ёзани яганалаш

Ёзанинг бир гектар майдондаги кўчат калинлиги ҳосил чўғини белгиловчи муҳим омилдир. Ёза ўта калин бўлганда кўсаклар сони камайиб, тола сифати пасайиб, кўсаклардаги пахта вазнини озийишига олиб келади. Аксинча кўчатлар ўта сийрак бўлса ёза ғовлайди, кўсакларнинг пишиши секинлашади.

Ёза кўчат калинлигини белгилаш тупрок унумдорлигига боғлиқ. Адирли, кумлок ва шағалли тупроқларда кўчат сонини қисман кўпайтириш керак. Бу ерда шунини эътиборга олиш лозимки, кўчатлар сони ҳар бир пайкалда меъёрли бўлиши зарур. Айрим бригадирлар ҳар бир пайкалда сийрак бўлиб қолган кўча калинлиги иккинчи пайкалдаги кўчатлар сонини ошириш билан тенглаштириш мумкин деган муболаға фикрда бўладилар. Аслини олганда кўчатлар калин бўлиши ҳам, сийрак бўлиши ҳам ҳосилни пасайишига олиб келади.

Бир гектар даладаги ёза кўчат калинлигини турли экиш схемаларидаги ҳисобий миқдори куйидагича:

- 90x10-1 (1-2), (60ч10), 60x20-2к167,7 минг туп.
- 90x15-2, 90x7,5-1к148,1 минг туп.
- 60x17,5-(1-2)к142,9 минг туп.
- 90x20-(2-3)к138,9 минг туп.
- 60x12,5-1, 60x25-2к133,3 минг туп
- 90x10-1, 90x20-2, 60x15-1, 60x30-2к111,1 минг туп.
- 60x20-1к83,3 минг туп.

Далалардаги ҳақиқий кўчат калинлигини яганалашдан сўнг ва ҳосилни йиғиб териб олишдан олдин аниқланади. Бунинг учун кўчат сони саналадиган майдончалар далани диагонали бўйлаб олинади. Майдончаларнинг узунлиги чигит кенг қаторлаб экилган далаларда 11,1

метр, тор қаторлаб экилган майдонларда эса 16,7 метр бўлади. Қўчат сонини аниқлашда ҳар бир гектар ердан биттадан майдонча олинади. Майдонлардаги ҳақиқий қўчат сони ўсимлик саналган барча майдонларнинг ўртача арифметик миқдорини 1000 га кўпайтириб топилади.

Чигит плёнка остига экилган майдонларда тўлик қўчат олинади. Бунда ғўза 1-2 чин барг чиқарганда яганалаш ўтказилиб, ҳар бир уяда бир дондан соғлом қўчат қолдирилиши лозим. Шундай қилинса гектар ҳисобига қўчат сони 140-160 минг тупни ташкил қилади. Чигит плёнка остига бир қатор қилиб экилганда бир уяда бир дондан қўчат қолдирилиб, қўчат сони 110-120 минг туп қолдирилади. Очиқ майдонларда яганалашни ғўза ниҳоллари бир чинбарг чиқаргунга қадар тугаллаш керак. Агар бу муддатдан кечикиб 3-4 чинбарг чиқарганда тугалланса ҳосилдорлик гектарига 2-3 цҒга, 4-5 чинбарг чиқарганда тугалланса 4-5 цҒга камаяди. Яганалашда тупрок тури, унумдорлиги, заҳоб сувни чуқурлиги, шўрланиш даражаси ва ғўзани шохланишига қараб, қўчат қалинлиги ва жойлаштирилш тизими қуйидагича табақалаштирилади:

- унумдор тупрокларда С-6524, Наманган-77 ҳамда Андижон-35, Андижон-36 навлари учун гектарига 90-100 минг, Бухоро-102 нави учун гектарига 80-90 минг қўчат қолдирилиб, бунда қатор ораси 90 см бўлганда 1 метрда 7-8 дона, қатор ораси 60 см бўлганда 5-6 дона қўчат қолдирилади.

- ўртача унумдор тупрокларда С-6524, Наманган-77 ҳамда Андижон-35, Андижон-36 навлари учун гектарига 100 -110 минг, Бухоро-102 нави учун гектарига 90-100 минг қўчат қолдирилиб, қатор ораси 90 см бўлганда 1 метрда 8-9 дона, қатор ораси 60 см бўлганда 1 метрда 6-7 дона қўчат қолдирилади.

- кам унумдор, заҳоб сатҳи юза бўлган тупрокларда С-6524, Наманган-77 ҳамда Андижон-35, Андижон-36 навлари учун гектарига 110-120 минг, Бухоро-102 нави учун гектарига 100-110 минг қўчат қолдирилиб, қатор ораси 90 см бўлганда 1 метрда 9-10 дона, қатор ораси 60 см бўлганда 7-8 дона қўчат қолдирилади.

Яганалашни 1-2 чинбарг пайдо бўлганда ўтказиш самарали ҳисобланади, ушбу муҳим тадбирни 3-5 кун кечиктириб ўтказиш ҳисобига пахта ҳосили 2-3 центнерга камаяди. Яганалаш сифатсиз ўтказилганда қўчат қалинлиги юқори бўлади ва ғўзани сув, озикдан фойдаланиш кўрсаткичи камайиб, пахтадан 15-20 % кам ҳосил олинади.

Яганалаш мақбул муддатларда ўтказилган майдонларда ғўзани ўсиш ва ривожланиши жадаллашди, озик элементлар билан таъминланиши ошади, эртаки, мўл ва сифатли пахта ҳосили.

9. Ғўза қатор ораларига ишлов бериш

Ўсимликнинг яхши ўсиб ривожланишида унинг қатор ораларига ишлов бериш катта аҳамиятга эга. Бунда тупрокнинг сув-физик, об-ҳаво ва микробиологик хусусиятлари, шунингдек, озика режими яхшиланади, бегона

ўтларнинг бир қисми йўқотилади. Культивация чуқурлиғига ва унинг сониг хам алоҳида эътибор берилиши зарур.

Механик таркиби енгил ва ўрта тупроқларда биринчи культивацияда суғоришдан олдин, культивациянинг четки иш органлари 6-8 см ўртадагилари эса 15-16 см чуқурликда ўрнатилиши керак. Ғўза қатор орасини ишлашда 1 ва 2 культивация ўртасида чизель-культиватор ёрдамида чуқур ишлашни амалга ошириш яхши самара беради.

Навбатдаги культивацияларда ғўзанинг илдизининг шикастлантирмаслик мақсадида юмшатиш, чуқурлиги қатор ораларининг кенглигига қараб белгиланиши лозим.

Қатор оралари 60 см бўлган далаларда культиваторнинг четки ишчи органлари 8-10 см, ўртадагиларини 12-14 см, қатор оралари 90 см бўлган далаларда эса шунга мос равишда 8-10 ва 15-16 см чуқурликда ўрнатилади.

Сув яхши шимилмайдиган, ўтқазиш хусусияти паст, механик таркиби оғир тупроқларда қатор оралари 60 см бўлганда, ўртадаги ишчи органлари 15-16 см, 90 см бўлса, 16-18 см гача ўрнатилиши мумкин. Ҳар иккала кенгликда экилган далаларда химоя майдони 12-15 см дан ортик бўлмаслиги лозим.

Ёқилғи ва меҳнат сарфини камайтириш учун культивация пайтида бирварақай ўғит бериб, суғориш учун эгат олиш, культивация ва чеканка ишларини бир йўла ўтқазиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Механик таркиби енгил тупроқларда ғўзанинг ўсув даврида 5-6, ўрта ва оғир тупроқларда 6-7 марта қатор орасини ишлаш юқори ҳосил олиш учун қиёя.

10. Ғўзани озиклантириш

Дехқончилик қилинадиган ерлардаги тупроқнинг таркибини таҳлил қилиб ердаги гумус, фосфор ва калий ҳамда ўсимлик учун зарур бўлган бошқа элементлар миқдорини аниқлаб, минерал ўғитларни табақалаб ишлатишини тартибга солишда ушбу тавсиялар мутахассис ва фермерларимизга амалий ёрдам беради, деган умиддамиз.

Олимлар ғўзанинг талаби ва тупроқ - иқлим шароитини назарда тутиб, ўсимлик ўсиш ва ривожланишининг турли босқичларида ўғитларни ишлатиш усулини ишлаб чиққанлар. Таҷрибаларнинг кўрсатишича, қигит униб чиққандан биринчи чинбарг пайдо бўлгунча тупроқда азот билан бирга фосфор бўлиши ўсимлик учун муҳимдир.

Шунинг учун ҳам пахтачиликда минерал ва маҳаллий ўғитларнинг меъёрларини белгилашда олинадиган ҳосил миқдорига, тупроқ унумдорлигига, алмашлаб экишга, тупроқ эрозиясига, шўрланишга ва озика унсурларнинг 1 тонна ҳосил учун сарфқаниш миқдорига эътибор бериш керак.

1 тонна пахта ҳосили учун ғўза ўсимлиги ўртача 55-60 кг азот, 20-25 кг фосфор ва 50-60 кг калий сарфлайди. Ингичка тоғали ғўза ўрта тоғалига қараганда 10 - 15 фоиз кўп озика модаларни талаб қилади.

Турли тупроқ шароитларида белгиланган пахта ҳосилини олиш учун минерал ўғитларнинг қуйидаги меъёрлари тавсия қилинади:

20-25 ц/га пахта ҳосили учун- N - 150, P - 100, K - 75 кг/га

25 - 30 ц/га пахта ҳосили учун - N - 200, P - 140, K - 100 кг/га

30 - 35 ц/га пахта ҳосили учун - N - 250, P - 175, K - 125 кг/га

35 - 40 ц/га пахта ҳосили учун - N - 300, P - 210, K - 150 кг/га

Фосфор ва калий ўғитлари тупроқдаги ҳаракатчан фосфор ва алмашинадиган калий захираларини ҳисобга олган ҳолда агрокимёвий картограммалар асосида берилди (жадвал). Агрокимёвий картограммалар етарли бўлмаган жойларда ғўзага солинадиган фосфорли ва калийли ўғитларнинг йиллик меъёрлари 1:0,7:0,5 нисбатда белгиланади.

Пахта ҳосили ва қўлланиладиган минерал ўғит меъёрлари (соф ҳолда, кг/га)

Тупроқнинг таъминланганлик даражаси, мг/кг		25-30 ц/га			35-40 ц/га		
фосфор	калий	азот	Фосфор	калий	азот	фосфор	Калий
0,15	0-100(паст)	200	125	100	250	145	120
16 - 30	101-200	175	100	80	225	120	100
	(етарли эмас)						
31 - 45	201 - 300	150	80	60	200	90	80
	(ўртача)						
46 - 60	301 - 400	125	50	40	175	60	60
	(етарли)						
60	400 (юкори таъминланган)	100	25	20	150	45	40

Марказий Қизилқум фосфоритлари асосида олинган фосфорли ўғитлар (оддий суперфосфат, УФАУ) меъёрларини ғўзада қўллашда Коротов фосфоритлари ва бошқа фосфоритлардан тайёрланган фосфорли ўғитлар (суперфосфат, аммофос ва бошқалар) учун тузилган тавсияномалардан фойдаланиш мумкин. УФАУ ўғитидан ташқари қолган фосфорли ўғитлар йиллик меъёрларининг 60-70%, калий ўғитларининг 50% ҳамда маҳаллий ўғитлар талаб этиладиган ерларга гектарига 20 - 30 тонна чириган гўнг ёки компостлар билан бирга қўзғи шўдгор олдида солиш тавсия қилинади. Қўрсатилган микдордаги ўғит берилмаган тупроқларга ҳамда қучли шўрланган ерларга шўри ювилгандан кейин УФАУ ва бошқа турдаги фосфорли ўғитларнинг 60 фоизи, калийли ўғитларни 50 фоизи ерга экиш олдида чизель культиватор (ЧКУ-4) ёки бошқа турдаги ўғит соладиган механизмлар ёрдамида тупроққа камида 15 см чуқурликка солиниши керак.

Шундагина ўғитларни исроф бўлиши камайиб, фойдаланиш самарадорлиги юкори бўлади.

Фосфорли ўғитларнинг қолган меъёрлари агар хайдов ёки экиш олдида берилмаган бўлса, чигит экиш билан бирга гектарига 20 - 30 кг

сеялкага ўрнатилган махсус мосламалар ёрдамида экиш чизигидан 5-7 с четга, 10-15 см чуқурликка солинади, фосфорли ўғитларнинг қолган қисм (15-20%) ўсимлик гуллаш бошлаганда азотли ўғитлар билан бирга солинади.

Гулиб фосфоритини таркибда гумин кислоталари бўлганини инобатга олиб Шарғун кўмири билан аралаштириб ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолда фосфорит органик кислоталар таъсирида ў самарасини беради. Фосфоритни 0,5 - 1,0 тонна миқдорда ёки уни Шарғун кўмири физиологик нордон тузлар (аммоний нитрат, аммоний сульфат) ва органик кислоталар ёрдамида фаоллаштириб қўллаш мумкин.

Калийли ўғитларнинг қолган меъёрлари (50%) гўзани шоналаш даврида азотли ўғитлар билан бирга солинади. Азотли ўғитлар билан гўзани озиклантириш қуйидагича: 25% экишгача (баҳорги ҳайдаш ва ерни экиш олдида ишлаш вақтида), 5 % чигитни экиш билан бирга, қолган меъёрлари гўза ўсув даврида 20%, 1 - озиклантиришда (2 - 4 чин барг чиқарганда), 25 % озиклантиришда (шоналаш даврида), 25 % 3 – озиклантиришда (гуллаш бошлаганда) қўлланилади. Бордию мавжуд азот 150 кг дан ортмаса, уни фақат гўза вегетация даврида уч марта озиклантиришда қўллаш лозим.

Биринчи озиклантиришда ўғит ўсимликлар каторидан 15-18 см, шоналаш даврида 20-22 см узокликда 12-14 см чуқурликда, гуллаш даврида эса қатор оралари ўртасига (60 см қатор ораларида) эгат тубидан 4 - 5 см чуқурликка солинади.

Гўза қатор оралари 90 см бўлса, 2 - 4 чин барг ва шоналаш даврида худди 60 см қатор оралиғида бўлганидек, гуллаганда эса ўғит ўсимлик каторидан 30 - 35 см ёнбошга эгат тубидан 4 - 5 см чуқурликка солинади. Таъкидлаш жоизки, фосфорли ва калийли ўғитлар қўлланилмасдан фақат азот ўғитлари солинса, гўза ғовлаб кетади, кўсақларни очилиши 15-20 кунга кечикиб, ҳосил сифати пасаяди. Шунинг учун фосфорли ва калийли ўғитларнинг меъёрлари ўз муддатларида қўлланиши зарур. Гўзани озиклантиришда минерал ўғитлар тупроққа культиватор ўғитлагичлар КРХ - 3,6; КРТ - 4 (гўза қатор ораси 90 см бўлганда), КРХ - 4 (гўза қатор ораси 60 см) ёрдамида солинади:

Озиклантиришни 1 - 5 июлдан кечиктирмаслик керак. Агарда охириги озиклантириш бундан кечикиб ўтказилса, кўсақларнинг пишиши кечикиб, ҳосил сифати пасаяди.

Минерал ўғитлар билан бирга ҳўжаликларда мавжуд бўлган гўнг, ҳазонлар, товук ва ипак курти чиқиндиларидан тайёрланган компост беришни ташкил қилиш керак.

11. Гўзани суғориш.

Жадал (интенсив) технологиянинг асосий, ҳал қилувчи омилларидан бири гўзани суғориш ишларини тўғри ташкил этишдан иборатдир. Вилоятимиз далаларида суғориш асосан эгат орқали амалга оширилади. Суғоришдан мақсад илдиз тарқалган тупроқ қаватининг намланишига

эришиш, солинган озик моддаларни эритиб ўсимликка етказиш, хавонинг нисбий намлигининг кўпайтириб нормал ҳолда ушлаб туришдир.

Бунинг учун сугориладиган эгатларнинг узунлигини 90 см катор оралигида 80-100 метрдан, 60 см ли схемаларда 80 метрдан ошмаслик керак. Чунки эгат узун бўлса охирига еткунча 2-3 суткалаб сув оқади, сув эса исроф бўлади. Илдиз сўриб олган сувнинг 98 фоизи барг ва бошқа органлар оркали буғланади яъни транспирация килинади, колган 2 фоиз атрофидаги сув ўсимлик учун курук модда тўплашда катнашади.

Ўзада гуллаш ва ҳосилга кириш фазаларида бир кеча кундузда энг кўп курук модда ҳосил бўлади. Масалан, гуллагунга бир кеча кундуздаўртача ҳисобда 0,3-0,6 грамм курук модда ҳосил бўлган бўлса, гуллаш фазасида у 2,2-2,9 граммга етади. Бу дегани канча кўп курук модда тўпласа шунча кўп сув буғлатади. Шунга қараб сўғориш нормалари белгиланади. Ўзининг сув сарфлаш кўрсаткичи 1 тонна курук модда ҳисобига 600-700 м³ га етади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, боғланиш жуда ўзгарувчан бўлади. Унга хаво ва тупрокнинг ҳарорати, шамолнинг кучи ва йўналиши, ёгингарчилик, хавонинг намлик даражаси, ўсимликнинг озука эъэлементлари билан таъминланиши, шунингдек ўзани ўсиш фазалари ва ўза навлари қаттиқ таъсир кўрсатади. Бундан ташқари сувдан нотўғри фойдаланилса ҳам юқоридаги кўрсаткич ортиб кетади. Агар илдиз системаси яхши ривожланган бўлса анча-мунча сувсизликка бардош беради ва аксинча.

Ўза амал даврида 1 гектардан 1 кунда 30-50 м³, гуллаш ва кўсак тугишда 80-90 м³ ва кўсак очила бошлагандан бошлаб эса 35-40 м³ сув буғлатади.

Ўза амал даврида сув билан таъминланиши 3 даврга бўлинади: 1) экишдан гуллаш бошлангунча; 2) гуллаш-ҳосилга кириш; 3) пишиб етилиш;

Нихол пайдо бўлганда гуллаш бошлангунча бўлган даврда ўзада ўсув органлари ва илдиз системаси шаклланади. Бу даврда ўсув органлари бир меъёрда ўсишига ҳамда илдиз системасининг нисбатан кучли ривожланишига имкон берадиган сўғориш режими яратиш муҳимдир. Лекин, тупрокнинг илдиз ўсиш вақтида хаддан ташқари кўп нам бўлиши ўзанинг бўйи чўзилиб кетишига, бўгин ораликларини 4-5 см ўрнига 6-8 см га етилишига, ҳосил шохларини юқори жойлашиб ҳосилга путур еказишига олиб келади.

Бу даврда заҳоб чуқур жойлашган, ости шағал ва кум катламли ерлардан 2-3, заҳоб 2-3 метр чуқурликда жойлашган ерларда ўза сугорилмайди ёки айни гулга кириш олдидан сугорилади. Бунда сўғориш меъёри гектарига 600-700 м³ ни ташкил қилиб сўғориш давомийлиги 12 соат, эгат ташлаб сугорилганда 18 соат мобайнида ва катта нишабли ерларда эса 24 соатгача бўлиши мумкин.

Гуллаш-кўсак тугиш давридаги сўғоришда шуни эътиборга олиш керакки, ўза гулга кириши билан барглар юзаси кенгайди, илдиз системаси кучли ривожланади ва 1 м гача хатто кўпроқ чуқурлашади. Ўсиш органлари ўсиб ҳосил тугунчалари шаклланади. Бу даврда ўзанинг ривожланиш жараёнлари ўсишдан устун келиши лозим. Бунда чанқатиб қўйиш шона,

туғунчаларнинг тўкилишига сабаб бўлса, ортикча суғориш ғўзани сербар бўлиб ғовлаб кетишига олиб келади. Суғориш шундай ўтказилиши керакки токи гуллар ўсув нуктасига аста секин қўтарилсин, бош пойнинг бўйи эса кўпи билан 90-100 см, бўғин ориаликлари киска (4 – 5 см), ётиб қолмайдиган бўлсин.

Вилоятимизни заҳоб чуқур жойлашган бўз тупрокларда суғориш сони ўртача 3-4 мартани, меъёри гектарига 800-900 м³ ни ташкил қилади ва суғоришни 14-16 кун оралатиб ўтказиш мумкин бўлади.

Заҳоб чуқурлиги 2-3 метрга борадиган бўз – ўтлоки тупрокларда ғўза гектарига 700-800 м³ меъёردа 2-3 марта суғорилиб, бу ҳолда сувлараро даврлар 18-20 кунгача узайтирилади.

Заҳоб сатҳи 1-2 м чуқурликда бўлганда 20-25 кун оралатиб икки марта суғорилади.

Ғўза етилиш фазасига кириши билан унинг ўсиш жараёнлари секинлашади. Бу даврда сувни шундай қўйиш керакки, бунда ғўзада қайта ўсишга йўл қўйилмасин ва ўсаётган қўсақларнинг маромида озикланиши таъмин этилсин.

Заҳоб сатҳи чуқур бўз тупрокларда охириги суғоришни 5-10 сентябргача, заҳоб 1-2 м гача юза жойлашган майдонларда эса кечи билан 20-25 августда тамомлаш керак.

Суғоришни ғўзани сувга бўлган талабини ҳисобга олиб ўтказилади, бунда турли усуллардан фойдаланилади: Жумладан: 1. Барг бандининг карсиллаб синишига (ўсиш нуктасининг пастдаги учинчи банги) қараб. 2. Баргнинг соат 13-16 ларда сўлишига қараб. 3. Гуллаш баландлигига қараб. 4. Тупокдаги намликка қараб.

Биринчи сувни ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ўта талаб бўлганда ва ғўза пояс қотиб қолиш ҳамда ривождан орқада қолиш эҳтимоли туғилганда бошлаш керак. Бу билан ғўза сувсизликка чиниктирилади. Яъни кейинчалик сув сал кечикиб қўйилса ҳам мева элементларини тўкиб юбормайдиган бўлади. Аксинча биринчи сув муддатидан оолдин берилса ғўза «сувхўр» бўлиб, сувнинг сал кечикишига чидамайдиган бўлиб қолади.

12. Ғўзани бегона ўтлар ва хашоротлардан химоя қилиш.

Ғўза касалликлари, зараркурандалари ва уларга қарши кураш тадбирлари.

Ғўза зараркурандалари ва касалликларига қарши ўз вақтида самарали кураш олиб бормасдан туриб, экинларнинг бир меъёрдa ўсиши ва ривожланишини таъминлаш ва улардан юкори ҳосил олиб бўлмайди.

Илдиз чириш касаллиги ер ости сувлари якин жойлашган, оғир тупрокларда баҳорни салқин ва серёгин келиши ҳамда чигитнинг чуқур экилишидан пайдо бўлади. Касаллик билан ғўза илк ниҳоллигидан 3-4 барг чиқаргунга қадар зарарланади. Зарарланган ниҳол илдизи қорайиб сўлииди ва кейин бутунлай қуриб қолади. Касалликнинг олдини олиш учун:

а) дориланган чигитларни ивитишда тавсияда айтилган сув меъёри билан намлаб, дориларнинг ювилиб кетишига йўл қўймаслик;

б) тавсия этилган муддатлар ва чуқурликда чигитни экиш;

в) экиш билан бирга минерал ўғит бериш;

г) катор ораларини сифатли ишлаб, илдиз атрофида аэрацияни яхшилаб, тупрокда ҳароратни қўтариш лозим.

Гоммоз касаллиги пахтачиликда кенг тарқалган бўлиб, чигит униб чиқкандан бошлаб ғўза ўсув даврининг охиригача зарарлайди. Баҳор серёгин келиши натижасида касаллик тез ривожланиб, ниҳолларни кўпроқ зарарлайди. Бу касаллик билан ингичка толали ғўза навлари 2004-2005 йилларда ҳўжаликларда ўрта толали навларга нисбатан кўпроқ зарарланади. Зарарланган ниҳоллар шамол ва механик таъсирлар натижасида синувчан бўлади. Бу касалликка қарши заводларда чигитлар дориланади. Ягоналашда зарарланган ва нимжон ниҳоллар юлиб олиниб, дала четига қўмилади. Ғўза гоммоз билан касалланган далаларга қўсатни меъёридан 20 фоиз кўпроқ колдириш, фосфорли ва калийли ўғитларни ва гўнгни кўпроқ солиш керак.

Вилт касаллиги ғўзанинг шоналаш давридан ўсув даврининг охиригача зарарлайди. Вилт билан касалланган далалар ғўзапоядан тозаланиб, чуқур шудгорланади. Яхоб суви бериб, алмашлаб экишни жорий этиш, чигитни пуштага экиш яхши самара беради.

Сўрувчи хашоротлар ўргимчаккана, трипс ва ширалар, оқканот ва хандалалар ғўзанинг энг хавfli кушандасидир. Трипс ва ширалар ўсимликнинг дастлабки ўсув даври учун хавfli. Дастлабки пайтларда ёш ниҳолларнинг барг ва ўсув нуктасини зарарлаб, «вилка»лар ҳосил бўлишига сабаб бўлса, охирида тола сифатига зарар келтириб уни касалланишига олиб келади. Ниҳолларнинг чидамлилигини ошириш мақсадида юқорида қайд этганимиздек, экиш жараёнида ёки дастлабки ишловларда азотли ва фосфорли ўғитлар билан озиклантириш лозим. Шу билан бирга азот, фосфор ва калийли ўғитлар аралашмасининг 1,5-2,5 фоиз суспензиясини ОВХ-28 русумли аппарат билан гектарига 250300 литр миқдорда сарфлаш яхши самара беради. Хурматли фермерлар трипс ва ғўза шираси вилоят пахтачилигига кучли зарар келтираётганлигини унутмаслигимиз зарур. Вилоятимизнинг қизирекк, Шеробод, Бандихон, Термиз, Музробод, Жарқўргон, Қумқўргон ва Ангор туманлари баъзи далаларини кучли зарарлади ва ёш ғўза ўсув нуктаси кучли зарарланганлиги туфайли ўсимлик 2-3-4-5, ҳатто 6 та ўсув шохлари чиқариб вилка ҳосил қилиб ўсди. Пахта ҳосили 20-30 фоизга камайди, мавжуд ҳосил кечки бўлди. Агар хашаротлар баҳорда кўп тарқалган бўлса, Карбофос (1,2 л/га), Фосфомит (2,0 л/га), циперфос (1,0 л/га), Дельтафос (1,25 л/га), Данитол (1,5 л/га) билан ишлов бериш керак. Сўрувчи хашоротларга қарши курашда «Гаучо М» ва «Ортен», Аваланча ва Лансер моддалари билан дориланган чигитларни экиш яхши самара беради. 2006 йилдан бошлаб вилоятимизда чигитлар Лансер ва Аваланча препарати билан дориланиб экилмоқда.

Оқканот ғўзани майнинг охири ва июннинг бошидан бошлаб зарарлайди. Сўнгги йилларда вилоятимизнинг жанубий туманлари

хўжаликларида окканот купайиб кетди ва ғўзага жиддий зарар келтирмоқда. Ўсимликка асосан личинка даврида зарар етказди. Личинкалар сўрган озиқанинг бир қисмини хазм қила олмай ташқарига чиқариб юборди. Натижада окканот босган ўсимлик япроқ парини шира босади. Окибатда ғўза хосили камайиб кетади. Ғўзага окканот эрта тарқалганда пахта хосили 13-18 фоизга камаяди. Далада окканот кўпайганда уларга қарши моспилан (0.15 кг/га), конфидор (0.3-0.4 л/га), апплауд (0.5-1.0 кг/га) ва адмирал (0.5 л/га) ишлатилади.

Қандалалар, ғўзага беда ва дала қандалалари кучли зарар келтиради. Қандалалар санчиб-сўриб зарар келтириш йули билан ҳосилдорликни сезиларли камайтиради. Қандала ғўзанинг ҳосил элементларини: шона, гул ва кўсакларини зарарлайди. Каттик зарарланган шона, гул, ҳатто кичик кўсакчалар (5-15 кунлик) тўкилиб кетади, кўракдаги тола тўлик ривожлана олмайди ва сифати пасаяди. Зарарланган кўсаклар шаклини ўзгартиради, улар кичик бўлади ва микдори камаяди. Қандала 100 та ғўзада 150-200 та ва ундан кўп бўлганда албатта кимёвий чора қўллаш керак. Қандалага қарши ципранс, циперфос, дельтафос, карбофос, данадим каби инсектицидлар ишлатилади.

Ўтган йилларда вилоятимизнинг жанубий туманлари ҳудудида шира, трипс, окканот ва қандалалар кўпайиб кетиб, ғўзанинг барги, шона, гул ва кўсакларга кучли зарар етказди ва провард натижада пахта ҳосилига кучли зарар келтирди.

Ўргимчаккана ғўзанинг ашаддий душмани. Барг ширасини сўради ва ўсимликда фотосинтез жараёнини сусайтиради. Баргни кизартириб, шона ва гулларнинг тўкилишига сабаб бўлади. Пахта ҳосилига кучли зарар келтиради. Бизнинг вилоят шароитида ўргимчаккана энг кўп-18-20 та гача авлод беради. Ўргимчакканага қарши олдини олиш, агротехник, биологик ва зарур бўлган пайтларда кимёвий чора кўрилади. Бунда дала атрофларига олтингугурт чанглаш, олтингугурт оҳак эритмасини ишлатиш, омайт (1.5 л/га), ёки неорон (1.0-1.2 л/га), ниссоран (0.1-0.2 л/га), флумайт (0.2 л/га) ёки циперфос (1.5 л/га) ишлатиш тавсия этилади. Олтингугуртни ОШУ билан ҳар гектар майдонга 30 кг чанглатилади ва суюқлик эритмалар ОВХ-28 ёрдамида пуркалади. Ўргимчакканага қарши қўлланилган кимёвий чоралар ўз вақтида қандалага қарши ҳам яхши самара беришини 2005 йил тажрибасидан ҳаммага яхши маълум бўлди. 2005 йилда ўргимчакканага қарши қайси фермер шоль ойининг биринчи иккинчи ўн кунлигида кимёвий чора ишлатган бўлса, пахта тайёрлаш режаси тўлик бажарилди ёки юкори фоизни таъминлади. Кимёвий чора ишлатмаган фермер доғда қолиб кетди. Демак, сўрувчи хашоратлар жуда купайиб кетса, кимёвий чора қўллаш маъқул экан.

Кемирувчи зарарқундалар ва уларга қарши кураш чоралари:

Қўзғи тунлам (илдиз курти) апрел-май ойларида ғўза ниҳолларида 3-5 та чинбарг ҳосил бўлгунга қадар катта зарар келтириб, қучатларни сийраклашишига сабаб бўлади. Бу зарарқундага қарши кураш учун унинг қапалақларининг учиш муддатларини аниқлаш учун феромон туткичлар

кулланилади ва капалаклар кайд килингандан кейин трихограмма ишлатилади.

Ѓўза тўлғами (кўсак курти) - ғўзанинг энг ашаддий душмани булиб, улар ғўза ўсимлиги шоналай бошлагандан пишиш давригача хосил элементлари, тугунчалари ва кўсакларини зарарлаб хосилдорликнинг пасайишига сабаб булади. Битта капалак 600-3000 та тухум кўйса, битта курт 15-20 дона шона, гул, тугунча ва кўсакларни зарарлайди.

Бу икки кемирувчи хашоратларга карши биологик ва зарурият булганда химиявий кураш чоралари қўлланилади.

Капалаклар кечкурун ва кечаси учишини инобатга олиб, феромон туткичларнинг фойдаланиш муддатини узайтириш мақсадида кечкурун ўсимлик ўсув нуктасидан 25 см баландликка ўрнатиб, эрталаб олиб салкин жойга қўйиш керак.

Капалак тухумлари пайдо булгач, 3 маротаба 5 кун оралатиб гектарига 1 грамдан трихограмма қўйиб юборилади. Ѓўзада ўрта ёшли куртлар пайдо булса, (100 та ўсимликка 2 -3 та) 3 марта 5-7 кун оралатиб 1:20, 1:10 ва 1:5 нисбатда бракон қўйиб юбориш керак.

Агар бир далада ҳам кўсак курти, ҳам ўргимчаккана кўп миқдорда тарқалса, ёппасига таъсир этувчи: Каратэ (0,5 л/га), Нурелл-Д (1,5 л/га), Талстар (0,6 л/га), Дельтафос (1,5 л/га) сингари дориларнинг бирини 250-300 л сувли аралашмасини хар гектарга қўллаш керак.

Кўсак курти ва ўргимчаккана, кандалалар, трипс ва ғўза бити тарқалиши ва миқдорини доимий назорат қилиш учун хар 40-50 гектарга битта назоратчи керак бўлади. Кўсак курти тарқалган далага-яшил, ўргимчаккана тарқалган далага-кизил, ишлов берилган далага-ок байроқча илиб қўйиш керак. Кўсак курти капалагининг учишини кайд этиш учун феромон туткичлардан фойдаланиш керак. Бунда хар гектар ерга 1-2 дона қўйиш яхши самара беради. Ушбу зараркундаларга карши курашнинг агротехник чоралари:

а) Ерларни икки ярусли плуг билан чукур ва сифатли қилиб хайдаш;

б) Ѓўзани мақбул муддатларда тавсия этилган миқдор ва нисбатларда минерал ўғитлар билан озиклантириш;

в) сугориш муддатлари ва меъёрларини тўғри белгилаш;

г) Чилпишни уз вақтида ўтказиш ва чилпинган усув нукталарини даладан чиқариб кўмиб ташлаш;

д) Дефолиацияни уз вақтида ва сифатли қилиб ўтказишдан иборат.

Бу тадбирлар зараркундаларнинг қишлаш захирасини 80 фоизгача йўқолишига ғўзаларнинг чидамлилигини оширишга, зараркундаларнинг тухум ва ёш личинкалари йўқолишига сабаб булади.

Юкорида зикр этилган барча агротехник тадбирларни ўтказишга ўз вақтида амал қилган вилоятимиз деҳқонлари ва фермерлари экинлардан юкори ва мўл хосил олишга эришилади.

Зараркундада хашоратларга карши биологик кураш. Юкорида кайд этиб ўтилганидек, Термиз-31, Бухоро-6 ва Бухоро-8 навлари Ѓўза сурувчи хашоратларга нисбатан бардошли бўлганлиги сабабли, бу хашоратлар камрок

таркалади ва айниқса, ўсув даврининг ёзги боскичларида уларнинг зарари жиддий бўлмайди. Лекин, беда қандаласи кўпайган далаalarda бу хашоратларни зарари сезиларли даражада бўлади. Кузги тунлам. кўсак курти ва бошқа кемирувчи хашоратлар жиддий зарар келтиради. Айниқса, кўсак куртининг ва беда қандаласининг тарқалиши ва миқдори доимий назоратга олиниши зарур. Зарур бўлган жойларда сурувчи хашоратлар ва ўргимчакканага қарши олтингугурт-оҳак қайнатмаси (ИСО) тайёрлаб, унинг билан бирга ва алоҳида тартибда минерал ўғитларнинг бирор турини 1,5-2,5 фоизли суви эритмаларини ишлатиш яхши фойда беради.

Юқорида кўрсатилган аралашмалар асосан, сурувчи хашорат ва вилтга қарши яхши самара беради. Сурувчи хашоратлар: ўргимчаккана, трипс ва ўўсимлик битига қарши олтинкўз, бешиктўратар кабиларни далага қуйиш яхши самара беради. Вилоятда яхши ишлаётган биологаториялар мавжуд: Сарисийдаги Охунбобоев, Ангордаги "Таллимарон", Жаркўргондаги "Сурхон", Деновдаги "Хазарбоғ" ва бошқалар самарали ишламоқда. Кемирувчи хашоратларга қарши эса биологик воситалардан-трихограмма, габробракон, каби фойдали хашоратларни далага тарқатишни 3 мартагача такрорлаш лозим. Лекин, бунгача профилактик тадбирлар ўтказиб, биологаториялар хўжалик ёки тумандаги ўза майдонларининг 60-70 % гача етадиган миқдордаги трихограмма (тухумхўр) ва габробракон (куртхўр)нинг захирасини яратиб қуйиш зарур

Профилактик тадбир сифатида қуйидагиларни жорий этиш лозим:

1. Хар 40-50 гектар майдонга битта кузатувчи ажратиб, доимий хар 3 кун да бир марта назорат ишини олиб бориши ва хашоратлар миқдорини далама-дала ҳисобга олиб, махсус дафтарга қайд этилиши лозим бўлади;
2. Зарарли хашоратлар тарқалган жойини аниўлаб уларга махсус яшил ранг (оз бўлса), кизил (кўп бўлса), ок рангли (зарарлантирилган жойларда) байроқчалар урнатилишини таъминлаш керак
3. Кўсак курти ва бошқа хавфли тунламларнинг урчиши, тухум қуйиш муддатлари ва тарқалиш миқдорларини аниқлаб бориш учун феромон туткичлар захирасини яратиш ва уларни 1- 2 гектар ҳисобига биттадан урнатиб, хар 7-10 кун да бир бор ундаги омухталар янгиланиб, капалак миқдорини хар куни ҳисобга олиш ва бир кечада бир туткичга тушган капалак сони 3-5 тага етгандан бошлаб, хар 3-5 кунда бир гектар ҳисобида 3,3 г, яъни 60-80-60 минг дон трихограмма тарқатиб туриш, тухумлардан курт пайдо бўлиши билан улар сони хар 100 туп ўзага 3-5 тадан ошгандан бошлаб кўпайишига қараб, 1:20; 1:10 ва 1:5 нисбатда

Кўсак куртинининг ўзада кечадиган 3 та авлоди учун хўжаликнинг 60-70 фоиз майдонини 3 мартадан, жами 8-9 мартагача ишловдан ўтказган тақдирда, кўсак курти зарарининг олди олинади.

Кемирувчи ва сурувчи хашоратлар ҳам жуда тез қупаювчи ва қуп авлод берувчи хашоратлар гуруҳига киради. Хашоратлар, айниқса бизнинг вилоятнинг иссиқ шароитида кўп кўпаяди ва кўп авлод беради. Бу ҳолат хар йили дехқонларимизга кўп ташвиш туғдиради. Масалан, ўза тулпамининг битта урғочи капалаги мавсум давомида 400 тадан 1000 донгача, айрим

серпушт капалаклари 3000-4000 тагача тухум қўйиб, 4-5 авлод беради. Шу авлодларнинг айниқса 3-4 авлоди ғўза ўсимлигида ривожланади ва ғўзани шоналашдан то қўсак очилгунча зарар келтиради. Қўсак курти капалаги куйган тухумларнинг 40-50 фоизидан курт чикмасада, баҳорда ривожлана бошлаган битта урғочи капалак авлоди кузга келиб, бир миллионга етиши мумкин. Табиатдаги урғочи ва эркек капалакларнинг узаро нисбати 0,8:1,0 дан 1,2:1,0 гача узгариши мумкин. Хашоратларнинг жинсий феромони (ЖФ)-бу урғочи ва эркек зотларининг узаро купайишини таъминлайдиган кимёвий восита бўлиб, уни урғочи зот вояга етгач, узининг корни қисмида жойлашган махсус безларида ишлаб чиқиб, атрофга таркатади, у 200-500 метр узокликгача ёйилиши мумкин. Ушбу ҳолат факат шу турдаги хашоратларгагина оид булган узига ҳос таркибга эга бўлиб, бошқа турдаги хашоратларни узига жалб қилмайди. Табиатда урғочи зотини хиди манбаига қараб келган эркек зот уни урулантириши лозим, аммо феромон туткичлари (ФТ) га учиб келган капалаклар махсус энтомологик елимга ёпишиб қолади. Унинг ёпишиш эҳтимоли 75-80 % ни ташкил этади.

Феромон туткичлардан қуйидагича фойдаланиш мумкин: Феромон туткичлар бир неча асосий қисмлардан: картон ёки политиролдан тайёрланган туткич, махсус энтомологик елим суртилган қоғоз ЖФ-шимдирилган 1,5 см ли резина найчали ва 1,5 м ли учига сим боғланган қозиклардан иборат. Феромон туткичлар (ФТ) олдиндан йиғилиб, назорат учун аввалига 10 гектарга битта, капалаклар учиси бошлангандан сунг 2-3 гектарга ва сунгра эса бир гектарга битта-иккитадан ўсимлик усув нуктасидан 20-25 см юқорида шамол йўналиши буйича ўрнатилади. Даставвал уч кунда битта, капалаклар куплаб уца бошлагандан сунг ҳар куни назорат қилиниб, **ФТ** га тушган капалаклар сони алоҳида дафтарга ёзиб борилади. Эскириб қолган елимли қоғоз эса янгиси билан алмаштирилади.

Қўсак куртининг капалаклари намозшом ва кечаси учади. Шунинг учун **ФТ** ларни кечки салқинда ўрнатиб, эрталаб эса назорат қилинганча, уни қайта йиғиштириб олиб қуйиш яхши самара беради. Чунки бунда жинсий феромон кансуласининг жазирама иссиқдан сакланиши ҳисобига уни ўн кун эмас, балки 15-20 кун ишлатиш имконияти туғилади. Жинсий феромон капсулаларини совутгичларда, ёпик, идишларда бир йилгача сакланганда ҳам унинг фаоллиги деярли йукотилмайди. Фермер хўжаликларида феромон туткичлар билан шўғулланиш махсус тайёргарликдан ўтган шахслар, энг яхши агрономлар томонидан назорат қилиниши ва уз вақтида қайд қилиб берилиши яхши самара беради. Феромон туткичлардан қутилган мақсад:

а) ғўза майдонларида қўсак куртининг ҳар бир авлодини ривожлана бошлаш ва туғаш муддатларини аниқлаб, унга қарши мақбул самарали кураш чораларини белгилаш;

б) Зараркунанда хашорат тарқалиши эҳтиол қилинаётган далаларни ва ундан қутиллаётган зарарлар микдорини аниқлаш;

в) Трихограмма ва бракон ишлатиш учун энг самарали муддатларни олдиндан белгилаб бериш;

г) Кимёвий препаратларни ишлатиш учун уз вақтида махсус тайёргарлик куриш кабилар.

Кўсак қуртига қарши трихограмма ва бракон қуллаш. Ёўза тупламининг капалаги тухум қуйишидан бошлаб, унинг ҳар авлодига қарши 3-4 марта трихограмма далага таркатиш керак. Трихограммани таркатиш ёўза тупламининг биринчи авлоди учун (июн) ҳар бир ФТ га, бир кечада, уртача тутилган капалаклар сони 2-3 тани ташкил қилса, 5-6 кундан кейин амалга оширилади. Қолган авлодлар учун 1,5-2 та капалак тушганидан 3-4 кун кейин амалга ошириш керак. Бу эса айнаи шу далада ҳар 100 та ёўзада ўртача 2-3 тадан ёўза тупламининг тухуми тўғи келишини кўрсатади.

Трихограммани кейинги қўйишлар эса тавсия асосида ҳар 4-5 кунда амалга оширилади. Трихограммани кўсак қуртининг ҳар бир авлодига қарши 3 марта қўллашида ҳам ҳар сафар 1-1,3 граммдан жами 3,3 грамм ёки 60x80x60 минг, жами 200 минг дона таркатилади. қўйиш тизими 5x5 м ёки бир гектар майдоннинг 200 та нуктасига қўйиб чикилади.

Браконни далага чиқариш ҳар гектарга 300 тадан 2000 тагача ургочи зот ҳисобида, далада қурт пайдо бўлишига ва унинг зичлигига қараб 1:20; 1:10; 1:5 нисбатда амалга оширилади. Таркатишда ишчилар бир-биридан 500 метр масофада бўлиб, ҳар 500 метрда балон капкоғи қиска муддатга (30 секунд) очилади.

Трихограмма ва бракон эрталаб барвақт (соат 5-10 гача) ва кечкурун (17 дан 21 гача) таркатилади.

Агар ҳар бир феромон- туткичада бир кечада уртача 20-тадан ортик капалак тушса, кимёвий кураш чорасини бошлаш зарур бўлади. Бу тадбирни агроном- энтомологлар амалга оширади.

Кимёвий кураш воситаларидан ҳар 100 та ўсимликда уртача 10-12 та ва хатто ундан ҳам кўп майда қурт бўлганда ишлатилса самара янада юқори бўлади.

Айтиб ўтиш керакки, ёўза даласида олтинкўз, хонкизи, сирфидлар, йирткич кандала, йирткич трипслар, яйдакчилар каби қуплаб ҳашорат гуруҳининг юзлаб турлари ёўза майдонларида табиий ҳолда зарарли ҳашоротлар ва ўргимчакканалар ҳисобига яшаб, улар доимий равишда камайитириб турадилар. Уларнинг қучи ва имконияти бекиёс. Бундан оқилона фойдаланиш керак. Ёўзани ёшлигида факат қора шира зарарлаган бўлса, ҳар 1 00 ўсимликда 50-70 та фойдали ҳашорот, шира ҳамда ўргимчаккана зарарлаган бўлса, 170-200 та фойдали ҳашорот қайд этилса кимёвий дорини ишлатишга ҳожат қолмайди. Ёўзада кўсак қуртининг миқдори ҳар 100 туп ўсимликда 8-12 тадан тўғри келиб, унда 200-250 та фойдали ҳашорот мавжуд бўлса, кўсак қурти, шира ва ўргимчаккана таркалган бир пайтда 100 та ўсимлик ҳисобида 250-300 тадан ортик фойдали ҳашорот бўлса, кимёвий ишлов беришга зарурат қолмайди.

13. Пахтачиликда ғўзани чилпишнинг аҳамияти.

Тўпланган ҳосилни кўпроқ сақлаб қолиш ва уни эрта етилтиришга муҳимм агротехник тадбир ҳисобланади. Ҳозирги пайитда қўлла, машинада ва кимёвий усулда бажарилади. Пикс, устике препаратлари биостимулятор бўлиб, ингичка толали ғўза навларида 16-17 ҳосил бўғини, ўрта толали ғўза навларида 13-14 ҳосил шохи пайдо бўлганда 1-1,5 кг шу препаратдан сув билан аралаштириб сепилса, ўсимликнинг бўйи секин аста ўсишдан тўхтайди. Ҳосил элементарли кам тўкилади ва ҳосил эрта очилади. Чилпиш биостимуляторлар ва механизация ёрдамида ўтказилса, меҳнат сарфи ҳар гектар ҳисобиға 1,5-2 марта камаяди ва чилпиш қиска вақт ичида амалға оширилади.

Ќўза механизмлар ёрдамида чилпиш қилинганда одатда культивация ёки эгат очиш ишларига боғлаб олиб борилади. Бунда чилпиш ўрта толали ғўза навларида 14-16 ҳосил шохи, ингичка толали ғўза навларида эса 17-18 ҳосил бўғини пайдо бўлган пайитда ўтказилса, энг яхши натижа беришини ЎзПИТИ нинг сурхандарё филиали кўп йиллик тажрибаларда исботланган. Лекин кўпчилик хўжаликларда чилпиш ҳали қул қучи билан бажарилади. Чилпиш даврида ўсимликнинг асосий пояси ва ён шохларининг ўсув нукталари юлиб ташланади. Бу эса барча озик моддаларни ва сувнинг ҳосил элементларига сафарбар этилишини таъминлайди ва уларни тўкилиб кетишдан сақлайди. Чилпиш қулда ўтказилганда ўрта толали ғўзаларда 14-15 ҳосил шох ва Термиз-35 навида 17-18 та ҳосил бўғини пайдо бўлиши билан чилпиш тавсия этилади. Ќўз чилпишнинг ғўзанинг ривожига кўра, июл ойи давомида ўтказиш мақсадға мувофик бўлади. Ќўзани августда чилпишнинг самараси кам бўлади. Чилпиш қанчалик қиска вақтда ва сифатли бажарилса, ғўза ҳосили шунчалик эртаки бўлади. Чилпишни жуда эрта ўтказилганда ўсимлик бўйи паст бўлиб, етарли ҳосил тўпланмайди, ҳосил эртаки бўлади. Барча мавжуд кўсақлар очилади, кўсақлар йирик бўлади. Лекин ҳосил нисбатан кам бўлади. Чилпиш кеч ўтказилганда ҳосил тўкилади, ҳосил кечки бўлади ва мавжуд тўпланган ҳосилнинг бир қисми очилмасдан қолади. Демак, чилпишни ўрат толали ғўзаларда 14-16 ҳосил шох ингичка толали пайдо бўлганда кечи билан 5 августда тугатилиши лозим.

14. Дефолиация.

Ќўза очик ерда парваришланган майдонларда ҳам асосан ҳар бир тупда кўсақлар 45-50 % очилганда, хлорат магний гектарига 8-10-12 кг, суюк хлорат магний 7-8 л/га, Августон-экстра-0,1-0,2 л/га қўллаш тавсия этилади. Булар билан бир қаторда дефолиациянинг самарадорлигини ошириш ва кўсақлар очилишини тезлаштириш учун Преп ва Кампозан препаратларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу препаратлар дефолиациядан 6-8 кун илгари (гектарига 2,5-3,0 кг Преп, 2,0-2,5 кг Кампозан) сепилиши керак.

Дефолиация ўз муддатида ва сифатли ўтказилганда ғўза қатор орасида ҳаво алмашиниши яхшиланади, ҳавонинг ҳарорати ошиб, нисбий намлиги

пасаяди. Натижада кўсақлар қуёш нури ва ёруғлигидан самарали фойдаланиб, очилиш суръати тезлашади. Дефолиантлар таъсирида баргидagi озик моддалар ўсимлик ёш кўсақлари ва бошқа хосил элементларига қайта тақсимланиб, толада целлюлозанинг кўпроқ тўпланиши, чигит шаклланиши ва эпидерма кўп миқдорда озика моддалар ва мой тўпланишини таъминлаб, бир кўсақ пахта вазни, пахта хосили ошади, сифати яхшиланади.

Плёнка остига чигит экиб, пахта тетиштирилган майдонларда юмшоқ таъсир этувчи дефолиантлар Дропп ультра кўсақлар 45-50 % очилганда гектарига 0,4-0,5 кг дан, Авгурон-экстра 0,1-0,2 л/га, Салаф-8,5-10,0 л/га, меъёрда қўллаш тавсия этилади. Дефолиация пайтида тупрокнинг намлиги ЧДНСга нисбатан 60-70 % атрофида бўлиши керак.

Ўзанинг «Андижон 35» нави ва агротехникаси бўйича тавсиялар

Нав Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот институти (ЎзПТИ) Андижон филиалида 2000 йили селекциячилар Т.Комилов, Х.Эгамов ва бошқалар томонидан яратилган, 2000-2005 йиллари Давлат нав синаш тармоқларида текиширилган. Навнинг амалий синовлари Андижон вилоятининг тупрок-иклим шароитида 2006 йилгача олиб борилган 2006 йилдан Давлат рестирига киритилиб кенг майдонларда жорий этиш учун рухсат этилган.

Мазкур нав Андижон вилоятида 2006 йили 10 минг гектарга экилган. 2007 йилда вилоятнинг қарийб 20 минг, Фарғона водийсининг 50 минг гектар майдонида экилмоқда.

«Андижон 35» навининг тупи конуссимон шаклда, бўйи 100-110 сантиметр. Пояси мустаҳкам, ётиб қолмайди, кучсиз тупланган. Шоналаши 2 турга мансуб, биринчи хосил шохи 6-7 бўғиндан чиқади, ўртапишар навлар сирасига қиради, амал даври 123-125 кун. Барглари ўртача катталиқда, 3-5 бўлмали, қирқилгансимон, кучсиз тупланган. Гули ўртача катталиқда, гултож барглари оч сарик, !!!!! ҳам оч сарик рангда. Кўсақлари ўртача катталиқда, овалсимон, 4-5 чанокли, тумшукчали. Бир кўсақдаги пахта вазни 6,0-6,2 грамм. Чигитни тукли, кулранг, 1000 дона чигит вазни 119-125 грамм.

Навнинг тола хусусиятлари: оқ рангли, узунлиги 33,5-34,5 миллиметр, тола чикиши 36-37 фоиз, пишиклиги 4,7-5,0 грамм/куч, нисбий узилиш узунлиги 28,6 грамм куч/текис, метрик раками 5850-5950, микронейри 4,7-4,8, V-саноат турига мансуб.

«Андижон 35» навини тупроки унимдор майдонларга жойлаштириш мақсадга мувофиқ келади. Уни муайян майдон тупроқ шароитига, ернинг нишоблиги, рельефига монанд ҳолда 60 ва 90 сантиметрли қатор ораларга экиш мумкин. Ҳар бир уяда 1 донадан ўсимлик қолдириладиган экиш тартибини қўллаш мақбул бўлади.

Мақбул чигит экиш муддати оддий, очик усулда 1-20 апрел, плёнка усулида 20-30 март. Бу муддат йил шароитига кўра 3-4 кун олдин ёки кеч бўлиши мумкин.

Чигит экиш чукурлиги бошка навлардан фарк килмайди. Чигит экиш олдида яхоб суви берилган майдонларда экилган бу нав чигити тез кунда, кийнос униб чиқади, соғлом, дуркун ўсиб ривожлана бошлайди. Чигитни униб чиқиши учун тупрок намлиги ертали бўлмаган далаларда чигит суви бериб уруғларни тўла униб чиқиши таъминланади. Чигити текис униб чиккан майдонларда ўсимлик ўртача 1,5 чинбарг ҳосил килганда янгиланиш ўтказилади.

Мазкур нав учун муайян даланинг тупрок шароитига қараб кўчат калинлиги қолдирилади. Хусусан, тупрок унумдорлиги юқори майдонларда гектар ҳисобига 80-90 минг туп, ўртача унумдор тупрокли далаларда 90-100 минг туп, тупрок унумдорлиги паст, тошлок, адирли далалар шароитида 100-120 минг туп кўчат калинлиги тавсия этилади.

«Андижон 35» ғўза навини амал даврида биринчи марта суғориш тупрок шароити ҳамда ўсимлик ҳолатига қараб сизот суви чуқур жойлашган майдонларда бир туп ўсимлик ўртача 6-7 чинбарг чиқарганда ёки шоналаш даври бошланганда, сизот суви юза жойлашган тупрок шароитида эса (захкаш ерларда) ёппасига шоналаш даврида ўтказилади. Кейинги амал сувлари ўсимлик ҳолатига қараб, сувга талаб сезилганда ўтказилаверилади. Бу навга ўта захлатиб ёки юқори суғориш меъёрида сув қўйиш салбий таъсир этади.

Мазкур нави маъдан ўғитлар билан озиклантиришнинг йиллик меъёри: азот билан 250 кг/га, фосфор билан 175 кг/га, калий билан 125 кг/га, нисбати эса 1:07:05 бўлиши лозим. Маъдан ўғитлар билан озиклантириш кечи билан оддий усул қўлланган майдонларда эса 20 июнда тугатилиши керак.

Бу нав парваришланаётган далаларда ғў за катор ораларига ишлов бериш чукурлиги, камров кенлиги, сони амалдаги тавсияларга мос келади.

«Андижон 35» навини чилпиш муайян майдондаги ғўзанинг кўчат калилинилигини ҳисобга олиб ўтказилади. Нав кўчат калинлиги гектар ҳисобига 80-90 минг туп бўлганда бир туп ўсимлик ўртача 14-15 ҳосил шохи, 90-100 минг туп бўлганда 13-14 ҳосил шохи, 100-120 минг туп бўлганда эса 12-13 ҳосил шохи пайдо бўлганда чилпиш тадбирини амалга ошириш тавсия этилади. Чилпиш оддий усулда чигити экилган ғўзаларни 5 августда, плёнка усулида экилган ўсимликларни 20 июлда якунланади.

Ушбу ғўза нави парваришланаётган майдонларда бегона ўтлар, хашоратлар ва касалликларга қарши кураш тадбирлари ҳамда дефолиация ўтказиш бошка навлардан фарк килмайди. Бу агротадбирлар амалдаги тавсиялар асосида амалга оширилади.

Ғўзанинг «Андижон 35» нави юқори агротехникавий савияда, ушбу илмий тавсияларга риоя қилинган ҳолда парвариш қилинса гектар ҳисобида 40-45 центнер сифатли ва эртаки пахта ҳосили етиштириш имконияти яратилади.

Ўзанинг янги «Андижон 36» нави ва агротехникаси бўйича тавсия.

Нав Ўзбекистон пахтачилиқ илмий-тадқиқот институти (ЎзПТИ) Андижон филиалида 2001 йили яратилган, муатифлар М.Дадажонов, А.Косимов ва бошқалар. Давлат нав синаш тармоқларида 2002-2006 йилларда текширилган. Айнан шу йилларда Андижон вилояти тупрок-иклим шароитида амалий синовлардан ҳам ўтказилган. Мазкур йилда 15 минг гектардан ортиқ майдонда экилмоқда.

«Андижон 36» навининг тупи цилиндрсимон шаклда, бўйи 110-120 сантиметр. Пояси мустаҳкам, ётиб қолмайди, қуячсиз туқланган. Шохланиш тури -1, ўсув шохлар сони 0-1 дона бўлади. Биринчи ҳосил шохи 5-6 бўғиндан чиқади, ўртапишар навлар сирасига қиради, амал даври 122-125 кун.

Барглари ўртача катталигида, 3-5 бўлмали, қирқилгансимон, ўртача туқланган.

Ўли ўртача катталигида, гултож барглари оч сарик қўсақлари ўртача катталигида, овалсимон, 4-5 чанокли, тумшукчали. Бир қўсақдан пахта вазни 5,5-6,0 грамм. Чигити туқли, қулранг, 1000 дона чигит вазни 108-115 грамм.

Навнинг тола ҳусусиятлари: оқ рангли узунлиги 34-35 миллиметр, тола чиқиши 38,6 фоиз, пишиқлиги 4,6 грамм/г куч, нисбий узилиш узунлиги 28,4 г/г текс, метрик рақами 6130, микрометри 4,6, IV-саноат тупига мансуб.

Ўзанинг янги «Андижон 36» навини тупроғи унумдор майдонларга жойлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Уни муайян тупрок шароитига, ернинг нишаблелигига, рельефига монанд ҳолда 60 ва 90 сантиметрли қатор ораларга экиш мумкин. Чигитни қўш қаторлаб экишга, плёнка усулини қўллаб экишга мос.

Хар бир уяда бир донадан ўсимлик қолдириладиган экиш тартибини қўллаш ўзани ўсиши, ривожланиши ҳамда пахта ҳосилдорлигига ижобий таъсир этади.

Мақбул чигит экиш муддати оддий, очиқ усулда 1-20 апрел, плёнка усулида 20-30 март. Бу муддат йил шароитига қараб 3-4 кун олдин ёки кечроқ бўлиши мумкин чигит экиш чуқурлиги, бир уяга ташланадиган уруғ сони бошқа навларникидан фарқ қилмайди.

Чигит экиш олдида яхоб суви берилган майдонларда бу нав чигити тез кунда қийғос униб чиқади, соғлом, дуркун ўсиб ривожлана бошлайди.

Чигитни униб чиқиши учун тупрок намлиги етарли бўлмаган далаalarda чигит сув бериб уруғларни тўла униб чиқиши таъминланади.

Чигитни текис униб чиққан майдонларда ўсимлик ўртача дона чин барг чиқарганда яғналаш ўтказилмоқда.

Мазкур нав учун муаян даланинг тупрок шароитига қараб қўчат қанлиги қолдирилади. Хусусан, унумдорлиги юқори майдонларда гектар ҳисобига 80-90 минг туп, ўртача унумдор тупроқли далаalarda 100-120 минг туп, тупрок унумдорлиги паст, тошлоқ, адирли далаалар шароитида 120-140 минг туп қўчат қалинлиги сақлаш тавсия этилади.

«Андижон 36» навини амал даврида биринчи марта суғориш, тупроқ шароити ҳамда ўсимлик ҳолатига қараб сизот суви чуқур жойлашган майдонларда бир туп ўсимлик ўртача 6-7 чинбарг чиққарганда ёки шоналаш даври бошланганда, сизот суви юза жойлашган тупроқлар шароитида эса (захкаш ерларда) ғўзани ёппасига шоналаш даврида ўтказилади. Кейинги амал давридаги суғоришлар ўсимлик ҳолати ва тупроқ намлигига қараб ўтказилаверилади.

Ушбу навни маъдан ўғитлар билан озиклантиришнинг йиллик меъёри: азот -250кг/га, фосфор -175 кг/га, калий -125кг/га, нрсбати эса 1:07:05 бўлиши лозим.

Маъдан ўғитлар билан озиклантириш кечи билан оддий, очик усул қўлланган майдонларда 10 июлда, плёнка усули қўлланган майдонларда 20 июнда тугалланиши керак.

Бу нав парваришланаётган далаларда ғўза қатор ораларига ишлов бериш чуқурлиги, камров кенглиги, сони амалдаги тавсиялар асосида олиб борилади.

«Андижон 36» ғўза навини чилпиш муайян майдондаги ғўзанинг қўчат қалинлигини ҳисобга олиб ўтказилади. Нав қўчат қалинлиги гектар ҳисобига 80-90 минг туп бўлганда бир туп ўсимлик ўртача 14-15 ҳосил шохи, 100-120 минг туп бўлганда 13-14 ҳосил шохи, 120-140 минг туп бўлганда 12-13 ҳосил шохи пайдо бўлганда чилпиш амалга оширилади.

Чилпиш чигити оддий, очик усулда экилган ғўзаларни 5 августда, чигити плёнка остига экилган ўсимликларни 20 июлда якунланиши керак.

Мазкур ғўза нави парваришланаётган майдонларда бегона ўтлар, хашоратлар ва касалликларга қарши кураш тадбирлари ҳамда дефоляция ўтказиш бошқа навларникидан фарқ қилмайди. Бу агротадбирлар амалдаги тавсиялар асосида ўтказилаверилади.

Ќўзанинг «Андижон 36» нави юқори агротехникавий савияда, ушбу тавсияларга амал қилинган ҳолда парвариш қилинса гектар ҳисобидан 40-45 центнер сифатли ва эртаки пахта ҳосили етиштириш мумкин.

Ќўзанинг янги «Андижон 37» нави ва агротехикаси бўйича тавсиялар

Нав Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти (ЎзПТИ) Андижон филиалида А.Қосимов, М.Дадажонов ва бошқалар томонидан 2001 йили яратилган, 2002 йилдан буён Давлат нав синаш тармоқларида текширилмокда, ҳамда уруғни дастлабки қўпайтириш элита хўжалигида қўпайтирилмокда.

Мазкур нав 2007 йили Андижон вилоятининг минг гектар майдонида янги навлар мақомида экилмокда.

«Андижон 37» навининг тупи конуссимон шаклда, бўйи 110-120 сантиметр. Пояси мустақкам, ётиб қолмайди, кам тупланган. Шоҳланиши 1,5-2,0 турга мансуб, биринчи ҳосил шохи 5-6 бўғиндан чиқади, ўртапишар навлар сирасига қиради, амал даври 120-125 кун.

барглари ўртача катталиқда, 3,5 бўлмали, қирқи гансимон, ўртача тупланган. Гуллари ўртача катталиқда, гултож барглари оч сарик рангда чангчилари сарик. Қўсақлари ўртача катталиқда, овасимон шаклда, 4-5 чанокли, тумшукчали. Бир қўсақлаги пахта вази 5,3 – 5,8 грамм. Чигит туқли, қулранг, 1000 дона чигит вази 110 – 115 грамм.

Навнинг тола хусусиятлари: ок рангли, узунлиги 33,0 – 34,0 миллиметр, тола чиқиши 37-38 фоиз, пишиқлиги 4,8 грамм/куч, нисбий узилиш узунлиги 27,6 гк/текс, метрик раками 5830, микронейри 4,6 – 4,7, V – саноат турига мансуб.

Ўзанинг янги «Андижон 37» навини тупроғи унумдор майдонларга жойлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Уни муайян тупрок шароитига, ернинг нишаблигига, рельефига монанд ҳолда 60 ва 90 сантиметрли қатор ораларга экиш мумкин. Чигитни қуш қаторлаб экишга, плёнка усулини қўллаб экишга мос.

Ҳар бир уяда бир донадан ўсимлик қолдириладиган экиш тартибини қўллаш ўзани ўсиши, ривожланиши ҳамда пахта ҳосилдорлигига ижобий таъсир этади.

Макбул чигит экиш муддати оддий, очик усулда 1-20 апрел, плёнка усулида 20-30 март. Бу муддат йил шароитига қараб 3-4 кун олдин, ёки кечроқ бўлиши мумкин.

Чигит экиш чуқурлиги, бир уяга ташланадиган уруғ сони бошқа навларидан фарқ қилмайди. Чигит экиш олдидан яхоб суви берилган майдонларда бу нав чигити тез кунда униб чиқади, соғлом, дуркун ўсиб ривожлана бошлайди.

Уруғлар униб чиқиши учун тупрок намлиги етарли булмаган майдонларда чигит суви бериб ўзани тўла чиқиб олиши таъминланади. Чигитлар текис униб чиққан майдонларда ўсимлик ўртача 1,5 дона чингбарг чиқарганда!!! ўтказилади.

Мазкур нав учун муайян даланинг тупрок шароитига қараб қўчат қалинлиги қолдирилади. Хусусан, тупрок унумдорлиги юқори майдонларда гектар ҳисобига 80-90 минг туп, ўртача унумдор туп, тупрок униумдорлиги паст, тошлоқ, адри даладар шароитида 120-130 минг туп қўчат қалинлигини сақлаш тавсия этилади.

«Андижон 37» навини амал даврида биринчи марта сўғориш тупрок шароити ҳамда ўсимлик ҳолатига қараб сизот суви чуқур жойлашган майдонларда бир туп ўсимлик ўртача 6-7 чингбарг чиқарганда ёки шоналаш даври бошланганда, сизотсуви юза (захкаш) тупроқларда эса ўза ёппасига шоналаш дарида ўтказилади.

Кейинги амал давридаги сўғоришлар ўсимлик ҳолати тупрок намлигига қараб ўтказилаверади. Ушбу навни маъдан ўғитлар билан озиклантиришнинг йиллик меъёри: азот билан – 250 кг/га, фосфор билан – 172 кг/га, калий билан – 125 кг/га, нисбати эса 1 : 07 : 05 бўлиши лозим.

Навни маъдан ўғитлар билан озиклантириш кечи билан оддий очик усулда қўлланган майдонларда 10 июлда, плёнка усули қўлланган майдонларда 20 июлда тугатилиши керак.

Бу нав парваришланилаётган далаларда ғўза қатор ораларига ишлов бериш чуқурлиги, III кенглиги, сони амалдаги тавсиялар асосида олиб борилади.

«Андижон 37» навини чилпиш муайян майдондаги ғўзанинг қўчат қалинлигини ҳисобга олиб ўтказилади. Нав қўчат қалинлиги гектар ҳособида 80-90 минг туп бўлганда бир туп ўсимлик ўртача 14-15 ҳосил шохи, 100-110 минг туп бўлганда 13-14 ҳосил шохи, 120-130 минг туп бўлганда 12-13 ҳосил шохи пайдо бўлганда чилпиш амалга оширилади.

Чилпиш чигити оддий, очик усулда экилган ғўзаларни 5 августа, чигити плёнка остига экилган ўсимликларни 20 июлда якунланиши керак.

Мазкур ғўза нави парваришланаётган майдонларда бегона ўтлар, хашоратлар ва касалликларга қарши кураш тадбирлари ҳамда деформация ўтказиш бошқа навларларникидан фарқ қилмайди. Бу агротадбирлар амалдаги тавсиялар асосида ўтказилаверилади.

Ќўзанинг янги «Андижон 37» нави юкори агротехникавий савияда, ушбу тавсияларга амалга қилинган ҳолда парвариш қилинса гектар ҳисобида 40-45 центнер сифатли ва эртаки пахта ҳосили етиштирилиши мумкин.

С – 6524 ғўза нави

С – 6524 ғўза нави ёввойи (ЎзҒСУИТИ каталог рақами 05152) пунктатум ва 159 – навини чатиштириш йўли билан Ўз ҒСУИТИ да Автономов В.А., Автономов А.А., Рўстаков В.С., Юлдашев Т.И., Сайдахмедов М., Шерматов А.Ш., Цўба А.Т. лар томонидан яратилган.

С – 6524 бу нав ўртапишар навлар гуруҳига киради. Тупи йиғинрок, баландлиги 100-110 см, ётиб қолмайди. Поя ва ҳосил шохлари кам тукланган. Ғосил шохлари 1-1,5 нусха 0-3 та моноподияси бор, биринчи ҳосил шохи 5-6 бўғинда ўсиб чиқади. Барги ўртача, 3-5 япрокли, қўсаги тухумсимон-чўзинчоқроқ шаклда. Пахта чаноғидан тўкилиб қолмайди.

С – 6524 нави 1988 йилдан бошлаб аввал Тошкент ва Намаган вилоятларида, кейинчалик Фарғона, Андижон ва Сирдарё вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган. 1992-1993 йилда ушбу нав Ўзбекистонда қатта майдонларни эгаллаган, экилиш майдони хар йили 285-300 минг га. Атровини ташкил этди.

Туркменистон ва Тожикистон давлатларида ҳам Давлат реестрига киритилган. Нав толасининг штапель узунлиги 34,0 – 35,0 мм, тола нафислиги 6350, нисбий узилиш кучи 26,5 – 28,0 гк/текс. Толаси хорижий фирмалар томонидан яхши харид этилади.

Тўқимачилик фабрикаларидан олинган маълумотларга қараганда тола чиқиши 33,0 – 33,2% ташкил қилади.

Давлат нав синаш тармоқларининг маълумотларига қўра С – 6524 нави сўлиш (вилт) касаллигига андоза навига нисбатан 15 – 26 фоизга чидамлироқ.

1990 йилда Тошкент вилоятининг Чиноз тумани Охунбобоев колхозига меъёрий агротехник шароитларда навнинг ҳосилдорлиги 38,2 ц/га тенг бўлди. Экиш учун уруғлик чигити турли хил касаллик ва хашоратлардан саклаш учун дориланади.

Одатда экиш жарёни тупрок ҳарорати 12 – 14 °C тукли чигитлар учун 14 – 16 °C туксизлангирилган чигитлар учун бўлган шароитда ўтказилади. Тошкент вилояти учун ушбу давр асосан 5 – 15 апрелларга тўғри келади.

Кўчат калинлиги унумдор бўз ва ўтлоқ ерлар учун ҳосил йиғиб олиш даврига келганда гектарига 80 – 90 минг та, қатор оралари 60 см, 5 – 6 туп ўсимлик 1 п/м, 90 см. лик жўяқларда эса 1 п/м 7 – 8 ўсимлик. Кам ҳосилдор ерларда кўчат калинлигини 10-15 минг тупга ошириш мумкин.

Сирдарё ва Жиззах шўрхоҳ ерларда кўчат калинлигини 120 – 140 гектарига мингтага чиқариш мумкин. Бўз тупроқларда эса суғоришни биттага қискартириш мумкин.

Тошкент вилояти учун тахминан биринчи суғориш 1 – 5 июнга, иккинчи суғориш 1 – 2 июлга, учинчи суғориш 18 – 20 июлга, тўртинчи суғориш 6 – 10 августга ва нихоят бешинчи суғориш 1 – 2 сентябрга тўғри келади. Охирги сув қамайтирилган ҳолда берилади.

Меъёрий азот ўғитлари билан ўғитлаш бўз ерлар учун 250 кг/га тук ҳолатда, фосфор 175 кг/га, калий 125 кг/га, ўтлоқи тупроқларда эса 25-30 кг/га кўп бўлиши керак. Азот ўғитлари уч даврда берилгани мақсадга мувофиқдир. Жумладан биринчи культивацияда 50 кг/га шоналаш ва гуллаш даврида эса 100 кг/га дан бериш керак. Фосфорни асосан бўлиб-бўлиб шудгорлашдан олдин, калийни биринчи культивацияда азот билан ва гуллаш бошланганда ҳам азот билан, калийни – шудгорлашдан олдин ва шоналаш даврида азот билан бирга.

Ўза 14 – 15 ҳосил шоҳи пайдо бўлгач тахминан 25 июлларда чеканка ўтказиш мақсадга мувофиқ. Дефоляцияни одатда кўсак очилгач, тахминан 50 – 60% фоиз кўсаклар очилганда ўтказиш лозим. Ўз вақтида ўтказилган ишловлар ўзадан юқори, сифатли, эртапишар ҳосил йиғиб олиш имконини беради.

«Ан-Боёвут»-2 нави

Бу нав Ўзбекистон Фанлар академияси Ўсимликлар экспериментал биологияси институтида С.С.Содиқов, С.Султонов, Р.Р.Раҳимбоев, С.Одилов, Х.Ашурбеков, Т.Шонмов, А.И.Бугоенколар томонидан «Тошкент-1» навининг ўзгарган формасини танлаш йўли билан чиқарилган.

1979 йилдан Давлат нав синовиди, 1983 йилда районлаштирилган. Сирдарё, Жиззах, Тошкент, қисман Фарғона ва Хоразм вилоятларида, шунингдек Тожикистон республикасида экилади. Вилт билан касалланиши 5,0-10,0%.

Ўсув даври 115-120 кун, у дастлабки навга нисбатан 5-7 кун олдин етилади. Кўсаклари тезроқ очилади ва шу билан бирга табиий тўкилишга мойил.

Тупи кенг пирамида шаклда, бўйи 100-120 см. шохланиши 1,5-2 типга мансуб, ҳосил шохлари 5-6 бўғиндан чиқади.

Пояси ва барглари кам тукли. Пояси мустаҳкам ётмайди

Барглари йирик, тўқ-яшил рангли, тупи жуда сербарг эмас.

Гули ўртача, тожибарглари оч-сарик рангли. Қўсақлари йирик. Юмалоқ, тумшукчали, 5,5 паллали, батта қўсақ пахтасининг вазни 5,2-5,6 г.

Чигити йирик, тукли, 1000 донасининг вазни 120-130 г.

Штапель узунлиги 33,6 мм, узилиш кучи 4,6 г.к., чизикли зичлиги 176-181 м.текс (метрик номери 5500-5600), нисбий узилиш кучи 25,4-26,7 г.к/текс, толачи чикиши 33-34%. Навнинг тола сифат кўрсаткичлари V типга тўлиқ жавоб берса ҳам, тола чигит қобиғи билан қўшилиши туфайли толага талаб кам.

«Чимбой-3010» нави.

Бу нав Қорақалпоғистон дехқончилиқ илмий-тадқиқот институти ва Г.С.Зайцев номидаги бутуниттифок ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда А.В.Березняковская, Б.П.Страумал, С.Қуатбаевлар томонидан С-4727 навнинг ўзгарган формасини танлаш йўли билан чиқарилган.

1971 йилдан давлат нав синовида, 1976 йилда ҚҚАССРнинг шимолий зоналари учун районлаштирилган. Бу ерларда у С-4727 навидан 2-3 кун олдин етилади, ҳосили ундан 5-10% юқори, вилтга чидамлилиги бу икки навда ўхшаш бўлиб, 3,0-8,0% касалланади.

Тупи ғуж, пирамида шаклда. Шохлаши 1,5-2 типга мансуб. Ҳосил шохи 4-6 бўғиндан чиқади.

Барглари ўртача йирик, баргланиши ўртача. Гули оч-сарик рангли.

Қўсақлари йирик, шарсимон, тумшукчали ва юлдузча шаклли. Битта қўсақ пахтасининг вазни 6,2-6,6 г келади. Чигити йирик, 1000 донаси 120-125 г, момиғи кулранг.

Толаси оқ, штапель узунлиги 32,5-33,8 мм, узилиш кучи 4,2-4,7 г.к., чизикли зичлиги 171-180 м.текс (метрик номери 5500-5800), нисбий узилиш кучи 24,4-26,3 г.к/текс. Тола чикиши 36,5%. Ғўзанинг VI типга мансуб ўртача толали навлари.

Ғўзанинг «Бухоро-102» нави

Навнинг келиб чиқиши. «Бухоро-102» ғўза нави Ўзбекистон пахтачилиқ илмий тадқиқот институти Бухоро филиалида Л-4380хЛ-7097+Бухоро-6 навларини чаতিштиришдан олинган дурағай популяциялардан белгилли йўналишда, кўп йиллар давомида танлаш йўли билан яратилган.

Чаতিштириш ишлари 1985 йилда ган бўлиб, 1994 йилда тургун ўсимлик танланган. 2000 йилда давлат нав синаш комиссиясига тақдим этилган. 2006 йилдан бошлаб давлат реестрига киритилган, муалифлар: С.И.Махсудов ва бошқалар.

Морфологик белгилари.

Хирзитум турига мансуб, ғўзанинг бўйи 100-110 см, пирамида шаклида ўсади, ўртача тукланган, ўсув шохи 1-2 та, 5-6 бўғиндан биринчи хосил шохини чиқаради. Хосил шохлари 1.5-2 типда шохлайди. Даладаги олиб борилаётган агротехника шароитига қараб, ҳамда суғоришлар таъсирида пастки хосил шохларида бўғин ораси тавсияда кўрсатилганга нисбатан кенгрок ҳам бўлиши мумкин, ғўза бутасининг юқори қисмидаги хосил шохларида эса, аксинча бўғин ораси қисқарок бўлиши мумкин. Барглари ўртача катталиқда, 3-5 бўлакчали яшил рангда, гултож барглари ва чангдонлари сарғиш рангда. Гулён барглари ўртача катталиқда, 9-12 тишли, қўсақлари йирик, тухумсимон-думалок шаклда, қисқа бурунчали, учи сал қайрилган. Чигити ўртача даражада тукланган.

Биологик ва ҳўжалик белгилари Бухоро -102 ғўза навининг эрта вегетация даври 115-124 кун. Бухоро вилоятидаги давлат нав синаш шахобчаларида 2000-2006 йилларда 41-50 ц/га хосил олинган. 2004 йилда Ѓиждуов нав синаш участкасида ўтказилганхўжалик синовида 43,7 ц/га хосил олинди. Шу йили Когон туман Бўстон ширкат хўжалигида 460 га майдонга Ушбу нав экилиб, 34,5 ц/га, «Санжар» номли фермер хўжалигида 56,4 ц/га пахта хосили олинди. Андижон вилояти хўжаликларида 884 га майдонга экилган «Бухоро-102» навидан 33,3 ц/га хосил олинган. 2006 йилда Республика бўйича 27 минг га майдонда экилган. Навнинг қўсақлари тез сурыатлар билан яхши очилади, пахтаси тўкилиб кетмайди. Толаси ок рангли. Бир қўсақ паътасининг оғирлиги 7-8 г. Тола узунлиги-33 мм. Тола чиқиши-37-38%. 1000 дона чигитнинг оғирлиги 123-130 г.

Толасининг технологик сифати. Толасининг метрик раками-6004. Тола пишқилиги-4,5 гк. Нисбий узулиш кучи-27,0 гк/текс. Тола типини-IV.Микронейри-4,3-4,4.

Етиштириш агротехникаси. Бухоро-102 ғўза нави чигитини экишнинг очик майдонда қулай муддати Бухоро вилоятида 5-15 апрел. Андижон вилояти хўжаликларида чигитни плёнка остига 1-апрелгача экиш ижобий натижалар беради.

Ѓўзани яғоналаш 1-2 та чин барг чиқарганда ўтказилади. Кўчат калинлиги тупрок тури ва унумдорлик даражасига қараб гектарига 80 мингдан 100 минг тупгача қолдирилади.

Кўчатларни жойлаштириш тизими:

Қатор ораси 60 см бўлганда 60х20-1

Қатор ораси 90 см бўлганда 90х12-1. Ўғитлаш тупрокнинг агрокимёвий харитаси асосида ўтказилади. Ўғитлашнинг макбул меъёри соф ҳолда гектарига N-250, P-175, K-100 кг ёки физик ҳолда гектарига аммиакли селитра-600 кг, аммофос-400 кг, калий хлор -200 кг.

Ўғитларнинг йиллик меъёри қуйидаги тартибда тақсимланади. Шудгорлаш олдида фосфорли ва калийли ўғитларнинг 50 фоизи берилгани маъбул. Қишда тупрокнинг шўр ювиладиган ерларда ўғитларнинг бу микдори ерни экишга тайёрлашда қизеллаш пайтида берилади. Яғана ўтказгандан кейин азотли ўғитларнинг 30 фоизи, фосфорли ўғитларнинг 25 фоизи, шоналаш даврида азотли ўғитларнинг 35 фоизи, калийли ўғитларнинг

50 фоизи, гуллаш даврида азотли ўғитларнинг 35 фоизи, фосфорли ўғитларнинг қолган 25 фоизини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Охирги ўғитлашни 1 июлдан кечиктирмай тугаллаш зарур. Ўғитлаш юқорида кўрсатилган меъёрлар ва тартибларда ўтказилганда кутилаётган самарага эришилади ва мўл пахта ҳосили етиштириш имконияти яратилади. Сўғориш тартиби енгил тупроқларда 1-4-1 ўртача тупроқларда 1-3-1, оғир тупроқларда 0-3-1 тизимида бўлади. Сўғориш меъёри тупроқ ва иқлим шароитига қараб гектарига 800-1200 м³ умумий сув сарфи эса 4000-4800 м³ ни ташкил қилади.

Ўзани чилпиш 13-14 та ҳосил шохи пайдо бўлганда ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

Дефолиация ҳосилнинг 50-60 фоизи пишиб етилганда ўтказилади.

Пахта ҳосилини машинада теришни ҳосилнинг 75-80 фоизи очилиб, 80-85 фоизи барглари тўкилганда ўтказиш тавсия қилинади.

Тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни янада ошириш учун беда-пахта-дон алмашлаб экиш тизимларидан самарали фойдаланиш, ерни шудгорлашдан олдин маҳаллий ўғитлар киритиш, ўсув даврида шарбат усулида сўғоришни ташкил қилиш, зараркунандаларга қарши курашда биологик усулдан ўз вақтида фойдаланиш муҳим омиллар ҳисобланади.

1000 —

Андижон вилояти туманларида 2007 йил пахта ҳосили учун экиладиган
ғўза навлари бўйича таклифи

№	Туманлар номи	Майдонига	Шу жумладан навлар бўйича					
			С-6524	Бухоро-102	Андижон-35	Ан Бозут-2	Истикболли Андижон-36	Янги навлар
1	Өттинқул	6411	3485	2659		267		
2	Андижон	6202	3941		2261			
3	Баликчи	11322	7518		3804			
4	Бўз	7134		3676		3458		
5	Жалалкудук	8136	7401				729	
6	Избоскан	8755			3532		4827	396
7	Улугнор	13736				13736		
8	Қўргонтепа	10095	3611				6284	200
9	Асака	6025			2674	563	2588	
10	Мархамат	6836	4059	2777				
11	Шахрихон	8474	6452	1427		210		385
12	Пахтаобод	7318	4862		2456			
13	Хужабод	3025	2155				870	
14	Булокбоши	3531		1037	1947	280		266
	Вилоят бўйича	107000	43490	11576	16874	18514	15298	1247